

**АБДИОЛИМ ЭРГАШЕВ,
ДИЛНОЗА ЖУМАНАЗАРОВА**

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ – ТАРБИЯ ҚОМУСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДИОЛИМ ЭРГАШЕВ
ДИЛНОЗА ЖУМАНАЗАРОВА

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ – ТАРБИЯ ҚОМУСИ

*Рисола Республика таълим
маркази ва А.Қодирий номи
Жиззах давлат педагогика
институтининг ўқув-услубий
кенгашлари томонидан нашрга
тавсия этилган.*

Абдиолим Эргашев, Дилноза Жуманазарова.

Халқ дostonлари – тарбия қомуси.

Рисола. – Жиззах: 2006, - 86 б.

“Ўзбек халқ оғзаки ижоди халқимизнинг яшаш тарзи, кураши, меҳнати, орзу умидларини ўзида мужассам этган, айниқса, фольклор асарларида таълим тарбиянинг, яъни инсонни камолотга етказишнинг энг ёрқин йўллари акс эттирилган.

Ушбу рисолада халқ этнопедагогикасининг айрим қирралари «Зайдиной» ва «Алпомиш» дostonлари мисолида ёритилади.

Рисола ўрта умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва коллежлар, олий ўқув юрти талабалари, тадқиқотчилар, аспирантлар ва умуман, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор *Маматқул Жўраев*

Такризчилар: филология фанлари доктори,
профессор *Асқар Мусақулов*,
филология фанлари номзоди,
доцент *Шомирза Турдимов*

МУҚАДДИМА

Ўзбек халқ достонлари халқнинг ҳаёти, кураши орзу-умидлари ифодасигина бўлиб қолмай, авлодларни камолотга етакловчи тарбия воситаси, тарбия қомуси ҳам ҳисобланган. Достонлар ўз қатида миллий мафкура, миллий ғоя ва миллий қадриятларимизни, халқнинг бахтли яшаш тўғрисидаги идеал орзу истакларини ифодалагани сабабли ҳар бир авлод томонидан қизиқиб, иштиёқ билан тингланган ва ҳар авлоднинг тафаккур дунёси билан бойитилган ҳолда кейингиларига асраб-авайлаб ўтказилган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бугун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бугун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас».

Демак, ўз Ватанининг жонкуяри бўлган ҳақиқий инсонни камолга етказиш учун биз узоқ асрлик миллий анъаналарни ўрганишимиз ва миллий ҳамда умуминсоний ғояларни, қадриятларни бугунги авлод онига сингдиришимиз даркор. Бу эса ўз-ўзидан халқ оғзаки бадиий ижодида, хусусан, энг йирик эпик жанр бўлган достонларга ҳам мурожаат этишни тақоза қилади.

Чунки халқ тафаккури, дунёқараши, педагогикаси, урф-одатлари, расм-русумлари, унинг бой маънавий мероси-оғзаки ижодида, хусусан, достонларда эпик қаҳрамоннинг дунёга келиши, ўсиб улғайиши, турли-туман саргузаштларини баён қилиш жараёнида одоб-ахлоқ муаммоларига кенг ўрин берилади, инсон тарбияси, миллий қадриятлар ҳамиша диққат эътиборда туради. Бу мавзуда айрим тадқиқот ишлари қилинган бўлса-да, аммо уларда Жанубий Ўзбекистон достончилиги асосан четлаб ўтилган.

Шу боисдан Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида яшаб ўтган ва яшаётган Абдулла шоир Нурали ўғли, Умир шоир

Сафаров, Қодир бахши Раҳимов, ака-ука Қора ва Чори Умировлар, Қаҳҳор бахши Қодир ўғли, Рузи бахши Қултураев, Ҳазратқул бахши Худойбердиев, Зоҳир шоир Қўчқоров сингари халқ достончилари репертуарларидан ёзиб олинган достонлардаги урф-одатлар, расм-русумлар, одоб-ахлоқ ҳақидаги қадриятларни алоҳида-алоҳида тўплашга ҳаракат қилдик ва бу соҳада 30 босма тобоқ ҳажмда материалларни тартибга солидик.

Манбанинг кўплиги, мавзу жиҳатдан хилма-хиллигини ҳисобга олиб ушбу рисолада XX асрнинг машҳур достончиси Қодир бахши Раҳим ўғли (1937-1986) репертуаридан таниқли фольклоршунос олим, марҳум устозимиз – профессор М.Муродов ва ушбу рисоланинг муаллифларидан бири томонидан ёзиб олинган биргина «Зайдиной» достонидан одоб-ахлоққа доир баъзи дурдона мисраларни таҳлил қилишга; фольклорда, хусусан, Қора бахши Умировдан ёзиб олинган «Алпомиш» достонидан она юртга меҳр-муҳаббат мавзусининг ёритилишини таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Халқ достонларида, жумладан «Зайдиной» да насиҳатлар, насиҳат дуолар, насиҳат олқишлар эник ўрин даражасига кўтарилган ва сюжет ривожининг асосини белгилайди. Биз юзлаб насиҳатлардан биргинасини–идеал қаҳрамон Гўрўғлига 40 чилтон берган насиҳатининггина тўлиқ келтирдик. Чунки, 40 насиҳат ўзбек халқ дидактикасининг чинакам мағзи бўлиб, инсоннинг инсон сифатида буюклиги, унинг ақлий, жисмоний, руҳий, ахлоқий камолотга эришувида нималарга риоя қилиш зарурлигини асослаб кўрсатувчи йўл-йўриқ ва дастурдир. Халқ ўз ўғитларини, пандларини чилтонлар номидан баён қилади. Ўзбек халқ достонларининг бошқа ҳеч қайсисида одоб-ахлоқ ҳақида қарашлар бундай йиғма, тушунарли, фалсафий теран ва бадиий мукамал тарзда бир жойда берилмаган.

Ҳозирги вақтда Қарши Давлат университетининг фолклор лабораторияси архивида қўлёзма ҳолда сақланаётган “Зайдиной” достонидаги насиҳатларнинг ҳар бирини бир сабоқ тарзида шарҳлашга ҳаракат қилдик. Чунки бундай шарҳлаш кам вақтни олади ва ундан истаган дарс (адабиёт,

фольклор, она тили, тарих, ҳуқуқшунослик, одобнома ва ҳатто аниқ фанларда ҳам)да фойдаланиш мумкин. Дарснинг кириш ёки хулоса қисмида, зарурият туғилганда янги материални ўтишда 4-5 дақиқа вақтни ажратиб бир тўртликни ёд айтиш ёки ўқиб изоҳлаш мумкин. Тўртликни шарҳлашни ўқувчилардан сўраш эса, уларнинг фаоллигини, қизиқишини оширади.

Халқимизнинг тафаккури, донолиги, ақл-заковати туфайли яратилган ҳикматлардан синфхона, аудитория, ўқув биносига шиорлар тарзида ёзиб, иншолар, ёзма ишлар, рефератлар, маърузалар матнида эпиграф ва бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш, ёшларни ахлоқий ва руҳий жиҳатдан тарбиялашда, уларга миллий урф-одатлар ва қадриятларни сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Халқона қадриятлардан бири ва энг муқаддаси ватанга бўлган муҳаббат, Ватанни севиш ва унинг ободлиги, озодлиги учун кураш туйғусидир. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам «Бизнинг одамларимиз учун Ватандан жудо бўлишдан оғирроқ изтироб йўқ» (И.Каримов) ва бўлмаганини «Алпомиш» достонининг Қора бахши Умиров варианти мисолида ёритишга интилдик.

ҚИРҚ ЧИЛТОНДАН ҚИРҚ САБОҚ

1-САБОҚ. Достонда ёш Гурӯғлиға айтилган илк ўғит оламнинг абадийлиги, инсон умрининг ўткинчилиги ҳақида:

Тирикликда билгин даври давронсан,

Оқибатда бир жонзодга маконсан.

Бу жаҳонда саноги йўқ инсонсан,

Шуни билгин бир-бирингга меҳмонсан.

Эпик қаҳрамонга йўл-йўриқ кўрсатувчи, оғир дамларда раҳнамолик қилувчи, қўллаб-қувватловчи, мадад бўлувчи ҳомий дастлабки насиҳатда ҳаёт ва ўлим, фоно (ўткинчилик) ва бақо (адабийлик) тушунчасига диққатни жалб этади. Яъни тирикликдаги даври даврон ўткинчи. У қанча умр кўриб, нечоғлик даври даврон суриб яшамасин, охир оқибатда ҳаётни, ёруғ оламини тарк этади. Авайлаб парваришлаган, эъзозлаган вужудимиз, жисмимиз қачондир тупроққа қўйилади. Рухдан ажралган тана (вужуд)га қайсидир жонивор эғалик қилади: «Оқибатда бир жонзодга маконсан». Инсон аввало шу аччиқ ҳақиқатни англаши, бойлик, мол-дунё, мансаб, мавқе, маишатга берилмай, эзгулик, рухий поклик учун курашмоғи, руҳият юксаклигини ўйлаб яшамоғи, яшаш жараёнида боқий ҳаётга, Аллоҳ меҳрига сазовар бўлишга тайёрланмоғи лозим. Аллоҳ меҳрига эришиш йўли эса илоҳий ҳомийлар, кўп умр кўриб, кўпни билган кекса қариялар панд-насиҳатига амал қилишда, саноғи йўқ инсоннинг ҳар қайси бир-бирига ва ёруғ дунёга меҳмонлигини ҳис этса, қадр-қиммат, иззат-ҳурмат кучаяди. Чунки халқимиз меҳмондорчилик қадриятларини, меҳмонни эъзозлашни чуқур билади. Шу сабабли ён-атрофдаги ҳар бир кекса-ю ёшга меҳмондек иззат-икром кўрсатиш лозим.

2-САБОҚ.

*Бугдойни қарагин ўртаси тилик
Чироқни ёндириб бўлмас бепилик.*

*Минг йил қилган ибодатдан яхшидир,
Қила олсанг бир инсонга яхшилик.*

Ризқ насибамиз бўлган бугдой донасининг шаклини, рангини, қадрини ҳамма билади. Аммо, диққат унинг ўртаси тиликлигига жалб этилмокда. Худди шу хусусият уни ажратиб туради. Бугдойсиз яшаш мумкин эмас, унинг таърифига сўз йўқ. Аммо инсонга яшаш учун фақат моддий неъмат камлик қилади. Ёғду ҳам зарур. Ёғдуни эса чироқ таратади. Бироқ чироқ бўлса-ю, пилик бўлмаса, у қимматга эга эмас. Ўртаси тилик бугдой ва пиликли чироқ асосий ўғитни ёддан чиқмайдиган тарзда тушунтириш воситаси. Худони севиш, ундан мадаг сўраш, ундангина нажот кутиш, бахт-иқбол, узоқ умр сўраб илтижо этиш, доимо номини ёдда тутиб ибодат қилиш яхши саодат. Аммо фақат ўз саодатини ўйлаб, манфаати доирасида ибодат этиб, ён атрофдаги инсонларга фойдаси тегмай, яхшилик қилмай яшаш бефойда. Аввал инсон ўзгаларга кўмаклашмоғи, ён-атрофдагиларга яхшилик қилмоғи лозим. Ҳазрат Навоий ҳам айтадиларки:

*Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ эл гамидин гами.*

Аждодларимиз фарзандларга васиятида, муқаддас динимиз таълимотида ҳам, ҳадислардаги муборак ўғитларда ҳам аввало дилга яхшиликни жо қилиб, одатга айлантириб олган ҳолда мусулмончилик фарзларини бажариш уқтирилади.

*Бир етим бошини силаса уммат,
Тўл аёлга қилса беминнат хизмат.
Мискиннинг ҳолидан ололса хабар.
Руза ибодатдан ҳар бири қиммат.*

Баҳши таъкидлаганидек, одам бир инсонга яхшилик қилмай, ибодатга ўтирса, унинг бу иши пиликсиз чирокдек фойдасиз. Чунки унга элнинг дуо олқиши ҳам, яратганининг шафқати ҳам, Расулнинг карами ҳам бўлмайди.

3-САВОҚ. Достонлар, хусусан «Зайдиной»да ҳам яхшилик қилиш зарурлигини ўқтирилади. Хўш яхшилик нима? Уни қандай билиш мумкин? Бу ёруғ оламда ҳар бир нарсa иккинчиси билан қиёс қилаётганда, бошқа қарама-қарши воқеа-ҳодиса, ҳолат, нарсa, характер билан таққосланганда онгимизга мустаҳкам ўрнашади. Ўзгуликни ёвузликсиз, диёнатни хиёнатсиз, адолатни зулмсиз, ёғдунни зулматсиз тасаввур қилиш қийин. Шу маънода яхшилик ҳам ёмонлик билан зиддиятда тула намоён бўлади.

*Ёмоннинг касоди тегар ҳар жойда,
Яхшининг ёрдами тегар танг жойда,
Ёмоннинг макони доим тор булар,
Яхшининг макони бордир ҳар жойда.*

Ҳомийлар-чилтонлар дастлаб умумий тарзда ёмон ва яхши одам ҳақида тушунча бермоқда. Яъни ёмон ҳар жойда ён-атрофдагиларга зиён етказди, зарар келтиради. Яхши одам эса ўзининг ахволи оғир бўлса ҳам, қийналган, тинч аҳволга тушиб қолган кишига кўмаклашади, уни қийин вазиятдан қутқазди. Шу сабабдан ёмонлик қилиб нафритга йўлиққанининг макони тор. Чунки унинг қўлмишларидан хабардор кишилар шодон қаршиланмайди, ундан узоқлашишга, ҳонадонига яқинлаштирмасликка интибон, яхшилар ҳамиша иззат-ҳурматга сазовор, ёруғ из билан қарши олинади. Одамнинг феъл-у аълоридаги қайси хусусиятлар, ҳаракатлар яхши-ю, қай бириари ёмон, инсон нима қилса обрў-эътибор тошиб янайдими-ю, қачон ёмон деган иснодга қолади, нафритга дучор бўлади. Пандномаларнинг кейинчиларида шулар ичидан баъди этилади.

4-САВОҚ. Насихатларнинг ҳар бири тарғи умумбашарий бўлса-да, яратилган дунё мафкураси, халқнинг миллий қадриятлари, эътиқоди, қарашларидан келиб чиқиб айтилади. Маълумки, ўзбек халқ достонларининг асосий

қисми ўрта асрларда халқ ислом дини илгари сурган
ихлоқий қарашларни ўз эътиқодига айлантирган пайтда
шаклланган. Шу боис уларда шу мафкура, шу эътиқод ўз
аксини топган. Халқ назарида яхши сўздан қудратли нарса
йўқ. Чунки олам «Бул!» деган сўздан яралган. Зеро, яхши
гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ
қилидан чиқар, деб бежиз айтилмаган. Инсонга тил
берилган, қудратли сўз берилган экан, у сўзнинг кучини,
дилларга очқич бўлган саломнинг қимматини англамоғи
шарт. Яхши ва ёмон тушунчаси аввало шу сўзни билишда:

*Худойим берибди инсонга калом,
Бемаврид иш қилиб тортмагин алам.
Яхши ҳам, ёмон ҳам шундан билинар,
Ким бўлса олдидан ўтма бесалом.*

Кундалик турмушда муқаддас тушунчага айланган, ўзаро
инсоний муносабатларнинг, муомаланинг, танишишнинг
асоси бўлган саломлашиш қоидалари яратилган бўлиб,
ҳадисларда: «От минган киши пийёдага салом беради,
озчилик кўпчиликка салом беради, ташқаридан келган киши
ичкаридагига салом беради», -деб кўрсатилади. Яна бир
ўринда одамнинг қимлиги, ақл-идроки, фикр тушунчаси,
характер хусусияти саломда аён бўлгани сабабли шундай
дейилади.

*Саломнинг ҳам салмоқлиси бўлади,
Кинояли, илмоқлиси бўлади.
Саломни билганга келмайди офат,
У Аллоҳнинг бир белгиси бўлади.*

Демак, салом Аллоҳнинг белгиси, каломи бўлгани учун
у ҳар қачон самимий, одоб қоидаларига риоя қилинган
ҳолда бўлиши лозим.

5-САБОҚ. *Ҳеч вақтда тенг бўлмас олтин билан зар,
Биламан демагин билимдонлар бор.
Одамзод одамдан ўрганар доим,
Мўйсафид гапини бўлмагин зинҳор.*

Ҳар бир тўртлик юқоридагидек бир, чилтон томонидан айтилса ҳам, унинг қатида бир эмас бир нечта панд-насиҳат мужассамлашиб келган ҳолатлар кўп учрайди. Олтин билан зар бирдек ялтироқ бўлса-да, ҳар бирининг ўз баҳоси, қадр-қиммати бор. Шу сабаб ташқи товланишига кўра ўхшаса ҳам, зарни олтинга тенглаштириб бўлмайди. Худди шундай ташқи жиҳатдан ўхшаш кишиларнинг характер хусусияти, ақли, ахлоқи, билими турличадир. Бири диёнатли, инсофли «биламан демагин билимдонлар бор» гапини ўқиганда «Қуръони карим»нинг «Каҳф» сурасининг 63-84-оятларида келтирилган Мусо пайғамбар ва Хизир ҳақидаги ривоят ёдга тушади. «Калимуллоҳ» - «Аллоҳ таоло билан бевосита сўзлашувчи» Мусодек улуғ зот ўзларича кўнгилларида дунёда мендан ҳам илмлироқ одам бормикан деганда, Хизир билан дуч келади. Аммо Хизирнинг кемани тешиши, болани ўлдириши, йиқилаётган деворни тиклаши боисини билмай сўраганларида, Хизир: «Кема бечораҳол кишиларнинг тирикчилик ўтказиш воситаси эди. Мен уни тешиб қўймаганимда, улар келаётган жойдаги золим подшо кемадагиларни талон-тарож қилиб, бор-йўгини тортиб оларди. Болани ўлдирмаганимда, улғайиб куфр йўлига тушарди ва ота-онасини ҳам куфрга бошларди. Ҳақ таоло амри билан уни ўлдирдим, токи кейинча уларга солиҳ фарзанд насиб қилсин. Бузилган деворни таъмир қилганим боиси унинг остида икки етимга тегишли хазина бор эди. Агар девор бузилиб кетса, хазина фош бўлиб, етимлар ундан бенасиб қоларди. Парвардигорнинг раҳмат-шафқати билан хазина болаларга аталган эди. Мен бу ишларнинг биронтасини ўз-ўзимча қилганим йўқ», - деди. Бу ривоят Аллоҳнинг «Ҳар бир билим соҳиби устида унданда билимдонроқ биров бордир» оятининг исботидир. Шу сабаби инсон: «Мен биламан», - деб ўзига бино қўймаслиги лозим. Ҳамма нарсани билгувчи фақат яратганнинг ўзидир.

Одамзод эса доимо одамдан (бир-биридан) ўрганиб камолот сари интилади. Шу йўлда ҳаёт машаққатларини бошдан кечирган, турмуш тажрибаларидан сабоқ чиқарган муйсафид-кексанинг гапини зинҳор бўлмай тинглаш, айтилганларига амал қилиш лозим. Муйсафид гапини бўлиш ҳурматсизлик, одобсизликкина эмас, балки билимлардан беҳабар қолиш ҳамдир.

6-САБОҚ. Халқ ҳамиша дилга озор берувчиларни Қоралаган, манманликдан ҳазар қилган. Ёмонликлар кўп ва улар доимо аввало бошқаларга кулфат келтириш билан чегараланмай, шу салбий хислатга эга кишини ҳам ғам-қайғуга дучор қилади. ғийбат ва манманлик шундай хусусиятларда бўлгани боис ёшлар ундан огоҳ бўлмоғи лозим:

*Ғийбат кўп ёмондир юракни доғлар,
Тўғрилиқ яхшидир дилларни боғлар.
Қилмасин одамзод асло манманлик,
Манманлик қилганининг макони йиғлар.*

Ҳалол ва тўғри одамни ғийбат қилиш, унга йўқ айбларни қўйиб Қоралаш, беҳуда гап сўз инсоннинг юрагини доғлайди, соғлигига путур етказди. Айни дамда ғийбатчининг ўзи ҳам сири фош бўлиб назардан қолади, элдан ажрайди. Яшашнинг яхши йўли тўғрилиқдир. Сўзи, иши ҳақ кишилар фақат ўзлари эътибор топиб қолмай, одамлар кўнглини, ўйини, мақсадини ҳам боғлайди, иттифокликни юзага келтиради. Шу сабабли тўғри бўлиш, ғийбатчиларга яқинлашмаслик лозим. Зеро, ҳадисларда ҳам ғийбатчилар бу дунёдагина эмас, балки у дунёда ҳам муқаррар жазога дучор бўлиши таъкидланади:

*Нолима ғийбатчи жазо олмас деб,
Икки юзламага ҳеч гап бўлмас деб,
Қилган ғийбатлари учун аларга,
Маҳшарда оловдан икки тилдир зеб.*

Чилтонлар ўғитининг сўнгги икки мисраси одамнинг камтарликни одат қилиши, қайси ҳолатда, қайси даврда,

қандай ишда бўлса ҳам манманликни одат қилмаслиги ҳақида. Кимки манман бўлса, ўзгалар олдида имкониятларига ортиқча баҳо бериб мақтанса, оқибати вой. Манманлик қилган кишининг ўзи ғамга дучор бўлиб қолмайди, балки унинг макони ҳам йиғлайди. Халқда эса маконнинг йиғлаши жуда оғир қайғули тушунча. Яъни манманлик кишига ўлим олиб келади, ўлим эса унинг яқинлари кўз ёшига сабаб бўлади, хонадонда-маконда йиғи чиқаради. Янада даҳшатлироғи шуки, манман одам ўлиmidан сўнг ҳам яхшилик билан ёдланмайди, авлоди ҳам кўпчилик диққат эътиборидан қолади. Шу сабабли ғийбат ва манманликдан йироқ бўлиб, тўғрилиқ ва камтарликни одат қилиш бахт-саодат омилидир.

7-САБОҚ. *Бир сўз билан бузилар шоҳ қаъласи,
Инграиб чиқади гўдак ноласи,
Ўт балоси, сув балоси ёмондир,
Ундан ёмон, билгин тухмат балоси.*

Сўзнинг қудрати улуғ. Яратиш ҳам, вайрон қилиш ҳам, севиш ҳам, жудалиқ ҳам, ҳаёт ҳам, ўлим ҳам сўз орқали ифода этилади. Бир ширин калом яшашга ишонч, муҳаббат уйғотса, ёмон бир сўз ҳаётдан бездиради, ҳалокатга олиб келади. Сўз ўзининг ким томонидан айтилаётгани, сўзловчининг касби, ёши, жинси, мавқеи, мансаби, характер хусусияти, дунёни англаши, ҳис этишига қараб эзгулик ёки ёвузликларни, адолат ёхуд зулмларни бошлаб келувчи сеҳрли куч-қудратга, қувватга эга. Узоқ мозийдан «... уруш» деган бир сўз билан уруғлар, қабилалар қирилиб кетгани, шохлар қалъаси қулаганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу сўз катталаргагина озор етказган эмас, гўдаклар бошига ҳам кулфат келтирган. Шу сабаб ҳатто улар йиғлай олмай, инграйдиган бўлиб қолган. Инграб овоз чиқариш оғир хасталиқ, дард чекишдир. Демак, бир сўз билан бошланган фалокат мурғак гўдакларни-да чексиз ғам-аламга дуч этади.

Халқнинг назарида инсонлар бошига ёғиладиган уч бало-офат бор. Булар ўт балоси, сув балоси ва тухмат

балосидир. Дастлабки, иккитаси инсон измидан ташқарида табиат ҳодисаси сифатида содир бўлса, учинчиси тухмат инсоннинг сўзи орқали юзага келади. Тухмат инсон бошига ҳадсиз кулфат ёғдиради, аввало руҳан, сўнг жисман мажруҳ этади. Дастлабки икки бало табиат ҳодисаси сифатида, кутилмаган фалокат тарзида рўй берса, учинчиси қасддан, ёвуз ниятни ўйлаганлар томонидан эътиқодли, имонли, ахлоқли, диёнатли кишини маҳв этиш учун амалга оширилади. Шунинг учун дастлабки иккисидан кўра ёмонроқдир. Дарвоқе, ҳадисларда тухматчига жазо муқаррарлиги таъкидланади:

*Тухматдан дилларга бергувчи озор,
Ёвуз қилмишини қўймаса зинҳор,
Саждага қанчалик бошин қўйса ҳам,
Яратган эгамнинг қаҳрига дучор.*

8-САБОҚ. Ҳаётда ҳар бир киши бирон мақсад, эзгу ният билан яшаши, ўткинчи умрини беҳуда орзу ҳаваслар билан ўтказмаслиги лозим. Аммо атрофдаги одамларга назар ташласак, кимдир тиним билмай, фурсатни қўлдан бермай юртининг ободлиги, заминнинг гуллаб яшнаши, одамларнинг бахтли, тинч яшаши учун ўзини фидо қилиб яшаши ва ишлашини, ўзга бировнинг эса туғилгандан то ўлгунча ақл-хушини йиғолмаслигини кўрамыз.

*Бировнинг бир кунда қилган ишини,
Биров қилолмайди яшаб ёшини,
Биров бир кунда минг йил яшайди,
Биров минг кунда ҳам йиғмас эсини.*

Буларни чилтонларнинг бири Ватани, халқи учун ёниб яшовчи, шулар йўлида ўз манфаатларини асло ўйламай хизмат қилувчи эпик қаҳрамонга айтаяпти, панд-насиҳат қиляпти. Ҳа, инсон ҳаётини, умрини қай тарзда ўтказишнинг бу жиҳатларини кузатиб, фикрлаб хулоса чиқариши лозим. Чунки у йигит бўлиб давраларга кирмоқчи, ўзининг ва элининг ниятларини рўёбга чиқариш

учун курашмоқчи экан, ҳар кунда бажарган улуғвор ишлари билан узоқ-узоқ йиллар, асрлар яшаш йўлини топтоғи даркор.

9-САБОҚ. Табиатда ҳамма нарса жуфт-жуфт яратилган. Шу жуфтлик абадиятни, давомийликни таъминлайди. Инсон фарзанди ҳам маълум ёшга етгач, ўз жуфтини топиши лозим. Балоғатга етгандан кейинги ҳаётдаги бахтиёрлик ё бахтсизлик, омад ё омадсизлик, саховат ёки бахиллик, қувонч ёки ғам, меҳр ё қаҳр осойишталик ёхуд нотинчлик топган жуфтига, унинг ақли, идроки, ахлоқи, руҳиятига боғлиқ. Шу сабабли жуфт танлаш ўта оғир, ниҳоятда жиддий вазифа. Мард йигитнинг дили вафони, садоқатни истайди. Агар танланган жуфт бевафо чиқса, бундан ортиқ жабру жафо, зулму алам, дарду ситам йўқ. Вафосиз билан яшагунча бўйдоқ ўтган маъкул.

Йигит дили очилади вафодан,

Бўйдоқ юрган яхши жабру жафодан.

Яхши хотин тенгсиз шахри азимдир,

Ёмон хотин баттар тешик қападан.

Шаҳри азимнинг тенгсизлиги унинг гўзаллиги, бағри кенглигидир. Шаҳар обод бўлганидан бағрида кўплаб одамлар бахтиёр яшайди. У яхши хотинга қиёс. Яхши хотинлар ҳамиша бўлганидек, ёмонлари ҳам доимо учраб туради. Ёмонлар тешик қапага ўхшайди. Чунки тешик қапада ҳузур-ҳаловат билан яшаб бўлмайди. Ўша тешикдан кирган чанг-ғубор, шамоллар, ёгин-сочин қапада яшовчиларга ором бермаганидек, ёмон хотин ҳам рўзгор осойишталигини бузади, турмуш ўртоғи қалбидаги қувонч, орзу-умид, интилишларни сўндиради, ҳаётдан бездиради. Бахшилар қўйлаганидек:

Рўзгориға файз кирмоқини,

Ақли расо ёр келтирар.

Ёрнинг ори бўлмаганда,

Оилаға зор келтирар.

Дарвоқе, ҳадисларда ҳам вафодор, ориятли, иболи, ҳаёли ёр улуғланиб, ҳар бир йигит уйланиши ва Муҳаммад

умматларини кўпайтириши таъкидланган ҳолда, йигитга бахтсизлик келтирадиган уч нарсанинг бири ёмон хотин эканлиги уқтирилади. Демак, садоқатли ёр топиш йигитнинг бахт-саодатидир.

10-САБОҚ. Инсон умрининг ҳар бир фасли абадиёт қаршисида кўз илғамас лаҳзаларгина бўлса ҳам, умрнинг ҳар бир даври, лаҳзаси ўзига хос хусусиятга эга. Болалик юксак ҳаёллар, орзу-умидлар, шўхликлар даври бўлса, йигитлик куч-қудратга, ғайрат ва жасоратга тўлган пайт.

*Эриб-эриб адо бўлар бўктар қор,
Бир йилда бир марта келади баҳор,
Йигитликни билгин тошқин дарёдир,
Сувини тошлоққа бурмагин зинҳор.*

Асосий фикр йигитлик даврида инсон энг тўлишган, бақувват, бардам, эпчил бўлишини ва шу фурсатни қадрлай олишини уқтиришда. Аммо, йигитлик энг зўр давр деб қўя қолиш ҳеч қандай завқ бермайди, туйғуларга таъсир қилмайди. Бахши тасвирни узоқдан бошлайди. Яъни тоғ бошида туганмас бўлиб кўринган уюм-уюм қорлар ҳам аста-секин эриб-эриб тугайди. Ўша бўктар қорни бир йилда келадиган баҳор эрита бошлайди. Тасвирга баҳор кириб келади. У ҳам доимий эмас, вақтинча, йилига бир марта келади. Аммо ҳеч қайси баҳор бир-бирини айнан такрорламайди. Одам ҳам бир бор дунёга келади, у ҳам абадий эмас, ўткинчи. Одам насли ҳам баҳор фасли мисол қайталайверади. Бироқ ҳеч бир авлод ўз аждодини такрорламани каби, тоғ бошидаги уюм-уюм қорнинг баҳордаги илиқликдан эриши туфайли дарёдаги сувлар кўпаяди, тошқин дарёлар ҳосил бўлади. Инсон ҳам гўдакликдан йигитлик палласига етганда тошқин дарёдек шиддаткор қудрат соҳибига айланади, аммо ўзи буни билмайди. Шунинг учун унинг кўз ўнгида тошқин дарё гавдалантирилади. Тўлиб тошган дарё суви боғу бўстонлар, гулу гулистон насиба ўндиришга, ёруғ оламдаги жамики жонли жонзодларнинг, ўсимлигу гиёҳларнинг яшашига,

чанқоғини кондиришга хизмат қилиши лозим. Инсоният сувдан шу йўлда фойдаланиши даркор. Дарё сувини тошлокқа буриш, исрофгарчилик, беҳуда сарф қилишдир. Йигитлик ҳам сувдай ўткинчи, сувдай қадрли, эъзозли. Шу сабаб бу даврдаги куч-қудратни бефойда ишларга сарфламай, эл-юрт манфаати, қариндош- уруғ, дўст-ёрлар хизматига йўналтириш лозим. Тоғ бошидаги қор дарёдаги тошқин сув ва инсон умридаги йигитлик даври барчаси маълум фурсатлик, абадий эмас. Ўша фурсатда уларнинг куч-қувватидан эзгу ишлар учун унумли фойдаланиш керак.

11-САБОҚ. Йигитлик инсон умрининг балоғат даври бўлгани сабабли бу даврда бажариладиган ишлар кўп.

*Мол дунёнг беролмайди савлатди,
Одамзоднинг суянчиги фарзанди(р),
Ҳам белинг қуввати, ҳам кўзинг нури,
Ҳар биттаси адо бўлмас давлатди (р).*

Йигит ақли, куч-қудрати, меҳнати билан истаганча мол-дунё, бойлик тўплаши мумкин. У қанчалик беҳисоб бойлик тўпламасин, нақадар данғиллама, фусункор иморатлар курмасин, хилма-хил шоҳона кийимлар киймасин, буларнинг ҳеч қайси йигитга савлат, кўрк, чирой бўла олмайди, тўла маънода бахт келтирмайди. Бахтнинг бекамлиги, эл орасида савлат тўкиб юришининг асоси фарзанддир. Одамнинг бахт саодати, оиланинг қувончи ўғил-қизлар. Кимки одобли, ақлли, ўйловли фарзанд тарбияласа, ўша фарзандлар суянч, таянч бўлади. Кексайиб белдан қувват кетганда, кўз нури хира тортганда, барча таниш-билишлар, ошна-оғайнилар, қариндош-уруғлар ўз ташвиши билан бўлганда, фақат ўғилу қизлар ота-онанинг белига дармон, кўзига нур, изидан издош бўлиб қўллаб-қувватлайди. Ҳар бир фарзанд шундай давлатки, унинг баҳоси йўқ. Бу давлат мол-дунё каби тугаб қолмайди, балки куч-қудрати тугаётган ота-онага ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам руҳий мададкор сифатида хизмат қилади. Шу боис йигитми, қизми оила кургандан сўнг фарзанд кўришни,

фарзандларни комил инсон қилиб тарбиялашни, ҳар қандай ва ҳар қанча бойлик фарзанднинг тирноғига ҳам арзимаслигини ёдда сақлаши лозим. Шу сабабли халқимиз кишининг бойлигини ўғил-қизларининг кўплиги билан баҳолайди. Кўп болалилик, болапарварлик эса қон-қонимизга сингиб кетган.

12-САБОҚ. Халқнинг асрлар давомида тўплаган тарбиявий тажрибаси шу қадар мукаммал ва ўзаро чамбарчас боғланганки, халқ даҳосига қойил қолмай илож йўқ. Бу биз фикр юритаётган ўғитларда ҳам ўз мужассамини топган. Эпик ҳомийлар эпик қаҳрамон ёш Гўруғлига инсоннинг инсон деган табаррук номга муносиб бўлишини уқтириб борар экан изчиликка, давомийликка эътибор беради. Юқоридаги тўртликларда йигитнинг уйланиши, фарзанд кўришининг аҳамияти уқтирилди. Ҳар бир йигитнинг ақлли бўлиши, куч-қудратини фойдали ишларга сарфлашга интилиши, садоқатли ёрга уйланиши ва ўғиллар, қизлар кўриб, уларни тарбиялаши мукаммал бахт-саодат, тўлиқ шодонлик ва қувончда яшашга имкон бермайди. Чунки ҳар бир одам маълум жамиятнинг аъзоси сифатида ўзгалар билан, оиласидан ташқари-дагилар билан доимий алоқада яшайди. Шу ижтимоий муҳит унга албатта таъсир қилади. Ҳаёт эса шундай яралганки, ҳар бир шахснинг ўз дунёқараши, ақл-идроки, характер хусусияти бор. Ҳаёт шу турли туман феъл-атворли кишиларнинг ўзаро алоқада, келишиб яшашидир. Ҳар ким буни англаши ва кўпроқ муносабатда бўладиган одамларни синчиклаб ўрганиши, билиши керак. Ўзбеклар учун эса энг кўп алоқада, муносабатда бўладиган кишилар ҳамсоя (қўшни)лардир. Демак, йигит оила куриб, уй-жой солар экан, ҳамсояси (қўшниси)кимлигини албатта билиши даркор.

*Ҳар ким губор топар осмонда ойдан,
Биров калта, биров ортиқдир бўйдан,
Мардни номард қилар билгин ҳамсоя,
Билмай иморатни қурма ҳар жойдан.*

Халқ бежиз «Ховли олма кўшни ол», «Кўшнинг яхши бўлса берди худо, ёмон бўлса урди худо», «Ён кўшним-жон кўшним» демаган. Яхши кўшни кўшнисининг ёмонини элдан яшириб, яхшисини ошириб, иноклик, иттифокликда яшайди. Аммо ёмон кўшни ўзининг маломату гийбатлари билан яхшини ёмон, мардни номард, диёнатлини диёнатсиз деб элга ёйиши ҳеч гап эмас. Ёмон ҳамсоя фақат кўшни оиладаги ёши катталарга эмас, унинг фарзандлари бахтига ҳам замин бўлади. Халқ тилида айтиладиган:

*Ўтдайн куймас эдим, куйдирди-да ён кўшним,
Гулдайн сўлмас эдим, сўлдирди-да ён-кўшним,
Ўғлим, қизим бахтидан айирди-да ён кўшним.*

каби мисраларда ёмон, оқибатсиз кўшни етказган озори куйланади. Зеро, балоғатга етган қиз ёки йигитни келин ёки куёв қилишни мўлжаллаганда, дастлаб кўшнилардан сўраган. Ёмон кўшни эса ўшандай пайтда кўшнисининг фарзандларини Қоралаб бахтдан жудо қилган. Шундай кўшнига яқин бўлмаслик, ҳамсоянинг кимлигини билмай иморатни ҳар жойдан солмаслик лозим. Ойда ғубор борлигини ҳамма билади, чунки у кўриниб туради. Бир одамнинг калта, ўзгасининг узун бўйли эканлигини ҳам ҳар бир нигоҳ англай олади. Аммо кўшнининг ички дунёсини, руҳиятини билиш мушкул иш. У ойнинг ғубори ёки бўйнинг узун-калталигидай кўзга ташланиб турмайди. Бу эса кўшнини танлаш мушкул вазифалардан бири эканлигини кўрсатади. Ҳа, кўшни танлай олиш, кўшни билан мустаҳкам яқин алоқада яшай олиш халқона қадриятлардан биридир.

13-САБОҚ. Кимки яшар экан, кўрган билганларини, дарду қувончларини, бу чексиз чегарасиз оламдан олган таассуротларини кимгадир айтишни, дилидагини тўкиб сочишни, сирлашишни истайди. Бу дунёдаги сиру синоатларни, ажойиб ғаройибатларни, улардан туғилган ўй-фикрларни ўзга билан баҳам кўриш, мушкул ишларни уддалаш учун ёрдамга эҳтиёж сезиш дўст, ўртоқ топишни тақозо қилади. Кўнгил-кўнгилга мос келадиган сирдош топиш эса ғоят мушкул. Дўстингман дейиш, дўстлик ҳақида

баланд парвоз гапларни истаганча айтиш мумкин. Аммо дўстга содиқлик, дўстлик удумларига риоя қилиш оғир. Халқимиз дўстликни шунинг учун ҳам эъзозлайдики, у Аллоҳнинг сифатларидан бири ҳам. Демак, дўстни алдаш, яратган эгамни алдаш, дўстга хиёнат худога хиёнатдир. Йигитнинг мардлиги, мард йигитнинг куч-қудрати дўстларининг кўплигида, шу дўстларга хизмат қилиш, улардан бор нарсани аямасликда:

*Нор туялар нори бўлса тояма,
Оқ нарсани Қора қилиб бўяма,
Мард йигитга мингта дўст ҳам кам бўлар,
Дўстдан асло бор нарсангни аяма.*

Нор туя ҳақиқатдан кучга тўлган, чинакам нор бўлса, устига юк ортилган билан йўлда тоймайди, эгасини оғир аҳволда қолдирмайди. Нор туялар тоймагани каби, чинакам инсон эзгуликни қабоҳат, садоқатни хиёнат тарзида баҳоламайди. Собит турган мард йигитнинг дўстлари кўп бўлгани ҳолда, шу дўстлардан бор нарсасини аямаслиги, ўрталикда баҳам кўриши, саховатдан чекинмаслиги зарур. Нор туя юкни кўтариб, тоймай, мункимай, қоқилмай йўл тортгани мисол дўстининг яхши-ёмон фазилатларини билган йигит дўстнинг борида қувониб, йўғида кўмаклашиб яшаса иқболи баланд бўлади.

14-САБОҚ. *Менсимаслик келтиради адоват,
Йиголмаган қилолмайди саҳоват,
Гадони кўрсанда кулмагин зинҳор,
Болани кўрсанда айлагин ҳурмат.*

Инсон туғилиб камолотга эришиб борар экан, оиладагиларию кўни-кўшнилари, ўқишдаги ё ишдаги ўнлаб, юзлаб кишиларни кўради, кузатади. Бировнинг ақллилигига, ўзгасининг эса озроқ ақлсизлигига, кимнингдир чиройлигига, бошқасининг хунуклигига гувоҳ бўлади. Аммо инсон қай ҳолатда, қай вазифада, касбда бўлмасин ўзи каби Аллоҳнинг бандасига менсимаслик, паст назар билан

қараши гуноҳ. Ўзгаларга менсимай муносабатда бўлиш адоватга, адоват душманликка, душманлик эса бахтсизликка, ҳатто умрнинг қисқаришига олиб келади. Кўнглида адоват бўлмаган, ҳаммага ҳурмат билан қарайдиган одам саховатли бўлади.

Саховат ҳар кимнинг кўлидан келмайди, ҳамма бевабечора, етим-есир, моддий қийналганларга кўмаклашаврмайди. Ўзгаларга бериш учун ишнинг кўзини, тежамкорликни билиб йиғиш ҳам керак. Йиғилган, тўпланган, пешона тери, тадбиркорлик билан топилгандан саховат кўрсатиш учун дил саховатли, меҳрли, шафқатли бўлмоғи лозим. Дили юксак, инсонга муҳаббатли, кучли кишигина гадони кўрганда, улар ҳолидан кулмайди, ўзи эга бўлган мол-мулки учун Аллоҳга шукрона айтган ҳолда муҳтожларга ёрдам беради, ёш болани ҳам эртанги куннинг эгаси сифатида ҳурматлаб, иззатини жойига қўяди.

15-САБОҚ. Узоқ асрлар силсиласида от йигитнинг йўлдоши, узоғини яқин қилувчи улов, ишини осонлаштирган ёрдамчи бўлиб хизмат қилган. Отнинг инсонга беминнат ёрдами, фазилати, эл осойишталиги, юрт ободлиги соҳасидаги хизматлари ҳақида ўнлаб дostonлар, юзлаб афсона ва ривоятлар, минглаб қўшиқлар ва мақоллар яратилганки, ҳеч қайси ҳайвон от қадар мадҳ қилинмаган, қадрланмаган. Шарқда фақат ўғиллар, йигитларгина эмас, хотин-қизлар ҳам от минишни, чавандозликни, отда жанг қилишни мукаммал билганлар. Тулпор отларни миниб, эл орасида ўз хизмати билан обрў-эътибор топиш шараф бўлган.

*Бедовга миндингми тушасан шундай,
Эл билан бир бўлсин кечанг ҳам кундай,
Амалга миндингми чиқма осмонга,
Осмондан тушгунча бўласан қумдай.*

Оддий, содда туюлган ушбу мисраларда халқона маънодорлик, ҳаётийлик мужассам. Кимки бедов отга минмоқчи экан, аввало ундан тушишни ҳам ўйлаши керак. Тушишни билмаслик ҳалокатга элтиши мумкин. Тулпорга минмоқ ва тушмоқнинг ҳадисини олган киши ўзи мансуб

элни қадрламаса, ҳурматламаса, дарди билан қизикмаса эътибордан четда қолади. Ҳар кимга туннинг кундай ёғдули бўлиши эл билан биргаликда, элнинг орзу-умиди, истак ва интилишини англашида. Чунки шу эл қувончли ва ғамгин лаҳзаларда унга ҳамдард бўлади, қайғусига шериклик билан дилига ёғду бағишлайди. Аммо ҳали бу асосий фикр фақат отга миниб тушишни назарда тутиб уқтирилаётгани йўқ. Асосийси, одамнинг амалга, мансабга миниб, ўтириб элдан ажралиб қолиш фожеасини таъкидлашда, эслатишди. Мансабга миниб димоғи кўтарилган, оддий меҳнаткаш кишиларни назарга илмай қўйган, ўзини осмонда сезган одам отдан тушишини билмай унга минган кабидир. Отдан тушиш қанчалик шарт бўлса, амалдан айрилиш ҳам шундай муқаррар. Мансабдаги инсон халқни унутиб, ҳаволаниб кетган экан, оқибати ҳам аён. У мансаб кўкидан тушгунча қумдай майдаланиб, эзгиланиб, бўлакланиб кетади. Чунки амалдаги феъл-атвори, хулқи, эл-юртга эътиборсиз бўлгани учун обрў-эътиборини йўқотган, халқда ўзига нисбатан нафрат ўйғотган. Дарвоқе, бу халқона хулоса нақадар тўғрилигини бугунги кунимиздаги баъзи амалдорлар қисматида ҳам кўриш қийин эмас. Қанчадан қанча катта-кичик амалдор маълум пайт мансаб кибр-ҳавоси билан заминдан узилиб, осмонда бўлгани боис ишдан кетгач, аянчли аҳволга тушиб қолмоқда.

16-САБОҚ. Одамийлик қонун-қоидалари ниҳоятда кўп ва хилма хил. Инсон ўзига берилган қисқа умрда уларни изчил ўзлаштириб бориш ва қатъий амал қилиш орқалигина мазмунли ҳаёт кечиради. Шу сабабли чилтонлар ёш йигитни халқ одобномасидан огоҳ этишда давом этади:

*Бировнинг молини олма омонат,
Хизматинг ўзингга бўлади туҳмат,
Кишининг кийими турмас устингда,
Одамсан одамга қилма хиёнат.*

Ҳар неки бўлса ўзингники бўлгани яхши. Ўзгалардан омонатга мол олиш яхши эмас. Чунки биров молини сўрагунча қаддинг бир эгилади. Ялинасан, ёлворасан,

ишлатиб бўлгач, қайтаришга ваъда берасан. Аммо шунда ҳам мол эгаси бермаса, қаддингнинг букилгани қолади. Рухинг тушиб кетади. Борди-ю мол эгаси иложсизликдан сенга молини қолдириб кетганда ҳам, қайтиб оларда ишончсизлик билан қарайди. Семиз моли ориқлашгандай, янги моли эскиргандай туюлади. Гўё сен уни ишлатган, ундан фойдалангандай кўринади. Бу муносабат кайфиятингни туширади, соғлигингга таъсир қилади. Хизмат қилиб туҳматга қолдимми, деб рухан эзиласан. Омонат мол бировга вафо қилмаганидек, ўзганинг кийимини кийиш ҳам дуруст эмас. Ахир кийим эгаси кийимини қачон талаб қилиб олишини ёхуд қаердадир миннат қилишини билмайсанку. Борди-ю омонатга мол олган, ўзганинг кийимини устингга кийган бўлсанг ҳам, ўша одамга, у ким бўлишидан қатъий назар, хиёнат қилма. Кўз очиб юмгунча ўтадиган, бирон лаҳзаси қайтмайдиган ҳаётда инсонга хиёнат қилиш гуноҳи азим. Хиёнат туфайли дўстлар душманга айланади, эл хор, юрт хароб бўлади, оила бузилади, умр ришталари узилади. Хиёнат ҳеч қайси замонда, ҳеч қайси халқда маъқуланмаган ва хиёнаткор ҳеч қачон саодатга эришган эмас.

17-САБОҚ. Бахшининг, демакки халқнинг доно ўғитини тинглаётган ёш қаҳрамон ўз элининг шодлиги, бахти, юртининг осойишталиги учун жасур ва фидойи курашчи бўлиб етишуви аён. У юртни озод ва обод, уруш-жанжаллардан холи асраш учун сафарбар этилган экан, ўта зийраклик, ақл-идрок билан кишилар рўзгорини бузишни эмас, тузишни ўйлаши лозим:

*Бир дарахт устида ҳар хил мева бор,
Еб кўрсанг барининг таъми баробар,
Биров рўзгорин бузмайин тузсанг,
Икки жаҳонда ҳам бўлмагайсан хор.*

Дарахтдаги мевалар ҳажми ва ранги жиҳатдан фарқланиши табиий, аммо мазаси, таъми бир хилда. Сурат ҳар хилу сийрат, моҳият ўхшаш. Бу ерда оддий мева ҳақида

гап бораётгани йўқ. Гап йигитнинг ахлоқи ҳақида, ўзгаларнинг жуфти ҳалолига кўз тикмаслик тўғрисида. Машҳур «Бибиҳоним ва уста» ривоятидаги турли рангдаги тухумнинг мазаси бир хиллиги ҳақидаги хулоса, мисрада ҳам жам. Муборак ҳадисларда ҳам бегона аёлга ёмон ният билан назар ташлаш қаттиқ Қораланади. Учинчи-тўртинчи мисрада фикр янада аниқроқ ифодаланади, яъни ўзганинг оиласини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган кишигина бу ёруғ дунёда ҳам, ул боқий оламда ҳам хор бўлмайди. Бахши айтилмоқчи бўлган фикрни ниҳоятда нозиклик, ибо-ҳаё чегарасида баён қилади. Дастлабки икки сатрдаги мазмун билан сўнгги мисралардаги фикрни жамласак, хотин-қизлар бир жинс, яъни бир дарахтдир. Уларнинг ёши, кийиниши, қадди-қомати, ҳусни жамоли ўртасидаги фарқлар дарахтнинг турли шаклдаги меваси кабидир. Мевалар ва аёллар суратидаги фарқлар моҳият бирлигини йўқота олмайди.

18 ва 19-САБОҚ. Дунё яралибдики, унинг муаммолари бутунлай ҳал бўлмайди. Инсон узоқ асрлар силсиласида эзгулик ва қабоҳат, бойлик йўлидаги кураш ва мол-дунё етказган кулфатларни ҳал этишга интилиб келмоқда. Бу куҳна оламда нафс балоси инсонларни не куйларга солмади, қандай пасткашлик, мунофиқлик, ёвузликларга қўл урдирмади. Бутун ер юзи бир шоҳга ҳам етмай, ер ости бойликларига кўз олайтирди, фазога қўлини узаттирди ва оқибат кўзи бир сиқим тупроқдан тўйгунча дунё бойликларидан тўймади. Чилтонлар Ғуруғлига яна бир бор ушбу ўғитни уқтириб, бу ҳикматни англашга ундади:

*Нафсингдан келади ваҳми қиёмат,
Еёлмай кетганлар кимга қилар дод,
Тупроқдан бошқага тўймас бу кўзлар.
Инсоф ҳам одамга катти бир зийнат.*

Инсофни зийнат деб билганлар нафсини тия олади. Нафсини жиловлаш эса жуда оғир ва ақлга, фаҳм-фаросатга, дидга, донишмандликка, ирода-идроқка боғлиқ. Донишманд кишилар яна шуни англайдиларки, инсон қанчалик ақлли

бўлмасин хато қилади. Ахир Одам Атодек дастлабки аждодимиз ҳам шайтон васвасасига учиб, нафс балоси туфайли жаннатдан қувилган экан, унинг авлодларини яратган Аллоҳгина беайб, бехато. Донишманд киши хато қилиб қўйганда, уни англаб етиши, тузатиши, қайта бундай ҳолга йўл қўймаслиги, хатоларни меҳнат билан ювиши лозим. Кимки астойдил меҳнат қилса, иқтисодий йўқлик-қашшоқлик азобини чекмайди. Дарвоқе, Аллоҳ ҳам сендан ҳаракат, мендан баракат деган. Айни дамда ўз меҳнати туфайли тупланган бойлик гоҳо кичик бир хато сабабли қўл кири мисол кетиб қолиши мумкин. Ўшандай дамда бой берилган мол-дунё учун қайғуриш, афсусланиш, гадо бўлиб қолганда ҳам бойлик учун эзилиш, соғлигини йўқотиш ақлли кишининг иши эмас.

*Донишманд бўлса ҳам булар хатоси
Ишлаган бўлмайди йўқлик адоси
Молни дер: - Қўл кири, гоҳ келиб кетар,
Одамзод бўлмасин фарзанд гадоси.*

Ха, инсон ўткинчи давлатдан айрилиши эмас, биргина фарзанд гадоси бўлишдек бахтсизликдан сақланмоғи даркор. Йўқолган бойлик топилади, гадолар шоҳликка эришиши, шоҳлар гадога айланиши мумкин. Бироқ фарзандсизлик доғи, алами ҳар қандай йигитнинг қаддини дол, умрини завол қилади, ҳадсиз қайғу – ҳасрат келтиради.

20 -САБОҚ. *Осмонга тош отсанг бошинга тушар,
Ўлимтик қушни кўр мослиқни тишлар.
Бир марднинг изидан кулиб камситма,
Қўлингдан келарми у қилган ишлар.*

Қодир баҳшининг маҳорати, улкан истеъдоди, ўзига хослиги шундаки, чилтонлар-ҳомийлар томонидан айтилаётган ҳар бир ўғитни ёдда муҳрланадиган тарзда, реал ҳаётдаги, одамларга таниш воқеа, ҳодиса ёхуд табиатдаги бирор жонвор ё ўсимликлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда уқтиради. Юқоридаги тўртликда ҳам буни кўриш мумкин.

Кимки беҳудага осмонга тош отар экан, оқибат у бошига тушиб, унга озор етказиши табиий. Аввало осмонга беҳуда тош отиш ақлсизлик, оқибатни ўйламасликдир. Шу ақлсизлиги туфайли ўзи отган тошдан ўзи зарба ейди. Иккинчи мисрада ўлимтик кушга эътибор қаратилади. Кўпчилик кушлар, хусусан, бургут ёки лочин оч қолганда ўзи ов қилиб, ўзи қўлга киритган ўлжасини ҳалол еса, шу оилага мансуб ғажир ўлимтикни бошқалар хизмати билан ёхуд ўзи ўлиб, сасиб кетган гўштни, мослиқни ейди. Ана шу икки ҳаётий хулоса – осмонга отилган тошнинг отган киши бошига тушиши ва ғажирнинг сасиган гўшт ейиши асосий фикрни айтишга замин ҳозирлайди. Одам ўзини билмай, англамай, бир марднинг изидан кулмаслиги, камситмаслиги керак. Кимки ўзгани камситса, унинг устидан кулса, осмонга тош отиб боши ёрилган киши ёки сасиган гўштни ейдиган, ўламсахур ғажирдан фарқи йўқ. Чунки беҳуда камситилгани, калака қилингани учун ўша марднинг ўзи ё бошқа биров қасд олиши мумкин. Аммо ўзгани камситаётган киши ақли етмаганидан, оқибатини ўйлаб кўришдан, фикрлашдан маҳрумлигидан шу хатога йўл қўяди. Дарвоқе, ҳаётда ҳамон ўзининг ақлсизлиги, укувсизлиги, қобилиятсизлигини сезмаган ҳолда ҳалол, меҳнатсевар, доно, ахлоқли кишилар устидан кулувчилар мавжудлиги улардан эҳтиёт бўлмоқликни талаб этади. Кишиларни беҳуда айблаш, камситиш билан ҳеч ким ҳали муваффақият қозонган, бахтга эришган эмас.

21-САБОҚ. Табиатнинг сарвари бўлган инсон ўз ақли, таффаури, тили билан жамики жонли мавжудотлару жонсиз нарсалардан устун туради. У ҳаёт йўлидаги хавф-хатарларни сезишга ва енгишга қодир. Ўша мавжудотларнинг ҳеч қайси одамни енголмайди. Фақат бир хавф борки, у ҳамиша яхши инсонларни бадном қилишга, умрини завол этишга хизмат этади. Одамдан одамга келади бу хатар.

*Одамдан одамга келар хавф-хатар,
Сут билан кирган сўз жон билан кетар,*

*Ғийбатчи инсонни қўшма инсонга,
Ул мурдор заҳарли илондан баттар.*

Бу хавф яқин кишиси, ҳамкасби, қариндоши, дўсту ўртоғининг ютуқларини кўролмаслик орқали тўқилган ғийбат, маломат, бўҳтондан бошланади. Ғийбатчи бошни ҳам ёрмайди, пичоқламайди ҳам, отмайди, осмайди, калтакламайди ҳам. У жисмоний куч ишлатиб танга жароҳат етказмайди, балки турли маломатлар билан мияга, юракка ҳужум қилади. Қитмаган ишларни қилди деб элга ёйиши, ғийбатчининг миш-миши инсонни руҳан эзади. Руҳий изтироб юракни ишдан чиқаради, мия хужайраларини ўлдиради ва оқибат инсон ҳаётига зомин бўлади. Шу боис ғийбатчилар қотиллар, жаллодлардан ёмон. Уларинг илондан баттарлиги шундаки, илоннинг душманлигини, заҳар солишини инсон билади ва чактирмасликка ҳаракат қилади. Ғийбатчи эса одам шаклида сен билан ёнма-ён яшайди, ҳатто ҳамкорликда ишлайди, бирга зиёфатларда қатнашади, ишончингни қозониб яқин кишингга айланади ва қутилмаганда зимдан заҳрини сочишни бошлайди. У ғийбат қилаётган кишини обрўсизлантириш, ҳасталантириш, вазифасидан олдириш билан лаззатланади. Ғийбатчилар ҳам осмондан тушмаган ёки бесабаб ғийбатчи бўлиб қолмаган. Бу касаллик унга наслидан ўтган: «суг билан кирган сўз жон билан кетар». Демак, оила муҳотида у ғийбату маломатга ўрганган. Шу боис уларни тузатиш қийин. Халқ шундай мурдорлардан «Ё қочда қутул, ё тинда қутул» дейди. Ҳамма замонлардагидек, бутунги кунда ҳам уларнинг уруғи сероб. Ҳатто профессионал (касб қилиб олган) ғийбатчилар ҳам учрайди. Уларга дуч келмаслик, ғийбатининг объекти бўлиб қолмаслик фақат омад келтиради.

22-САБОҚ. Дунё яралибдики, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва зулм, диёнат ва хиёнат, ҳаё ва беҳаёлик, маърифат ва жаҳолат ёнма-ён, бир-бири билан курашиб яшайди. Уларнинг бошида турадиган ҳам, бошқарадиган ҳам, шу абадий жангнинг мангу қурбони ҳам одамзод. Дастлаб кимдир кимни камситади, қилган ишидан

хато топади, сўнгра ғийбату миш-мишларга ўтади ва оқибат бир-бирини йиқитиш билан завқланади.

*Кўз очиб юмгунча ўтади даврон,
Ўтган кун қайтмайди бу шундай замон,
Ахмоқлар бир-бирин асло кўролмас,
Одамзод одамни йиқитар ҳамон.*

Аслида бунақа одамлар одам дейишга арзимаЙди. Улар ўз умрининг ўткинчилигини, яшаш кўз очиб юмгунча ўтадиган фурсат эканлигини ўйлаб эзгуликка интилмайдилар. Беш кунлик дунёда гоҳ бойлик, гоҳ шон-шўхрат деб бир-бирининг пойини қирқиш, тагига сув қуйиш, йиқитиш билан шодланадиганларни фақат ахмоқлар деб баҳолаш мумкин. Энг ёмони ахмоқлардан ақлдилар, донолар ва юрт манфаатини ҳимоя қилувчилар, раҳмдил ва шайқатли кишилар озор чекади.

23-САБОҚ. Биз негадир одамлардаги яхши жиҳатларни ҳам, ёмон хусусиятларни ҳам ҳайвонлар ёхуд ўсимликларга қийёслаймиз. Шердай довжорак ёки тулкидай айёр тарзида атрофимиздагиларга баҳо берамиз. Бу уларнинг ҳатти-ҳаракати, яшаш тарзига кўра айтилади ва шубҳасиз ҳамиша инсон барча жонлилардан устун деган хулосага келамиз. Шу боис ҳеч қайси ҳайвонни одамга қийёсламаймиз.

*Ҳайвонни ҳайвон деб билмоқлик даркор,
Одамлар ичида ҳайвонсифат бор.
Ақли ҳеч бўлмаган ахмоқ дўстингдан,
Қамчилаб урсангда итинг вафодор.*

Ҳайвон ҳайвон бўлганидан унинг қилиқлари, ҳатти-ҳаракатларидан ҳеч ким хафа бўлмаЙди. Ит қопиши, эшак йиқитиши, сигир адашиб кетиши ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Аммо одам одам бўлиб, одам қилмайдиган қилиқларни қилса, яъни масалан, кулда ағнаб ётса, оғзига келганини қайтармай сайрайверса (валдираса), ит қопгандай маломат билан дилингизни жароҳатласа, илондай захрини сочса ва

ҳ.к-да. унинг инсонлиги қоладими, шу табаррук номга лойиқми? Бундай кимсаларнинг шакли-шамойилини инобатга олмаса ҳайвондан баттар. Ўз оиласига, қариндош-уруғига, дўсту-биродарларига, эл-юртига оддий итчалик садоқат кўрсата билмаган, кимнинг фойдаси тегса шунга сажда қилиб, алқаб, олқишлаб, озгина ранжитсанг, ё ёрдамнинг тегмаса, ёхуд хато-камчилигини айтсанг ўзини четга олган, сенга душманга айланган кишидан одамгарчилик кутиш мумкинми? Асло! Бойлигинг, мансабинг, мавқеинг бўлганда парвона мисол ёнингда турган дўстлар, дўст бўлиб кўринганлар бошингга иш тушганда қочиб кетади. Ундай ақлсиз, садоқатсиз дўстлардан қалтаклаб, қувалаб урсангда, берган тузингни қадрлаб, умри бўйи садоқатлик билан хизмат қилган вафодор ит афзал эмасми? Албатта афзал. Буни ҳамма билавермайди-да.

24-САБОҚ. *Мард одам шул, гапни айтса юзига,
Йўлбарс юриб ҳеч қайтмаган изига.
Гапга учиб билгин кўрлик белгиси,
Кўзи борлар учмас биров сўзига.*

Халқ тўғри сўзни қадрлайди ва ҳамиша аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни гапиришни яхши кўради. Айни дамда ҳар қандай аччиқ ҳақиқатни, фожеали ҳолатларни ҳам мулойим ҳолда, асабга тегмайдиган, соғлиқка салбий таъсир қилмайдиган тарзда ифодалашни ҳам. Масалан, ҳеч ким бошқа бир кишига «Палончи ўлибди» демайди, балки шу маънони «кетибди», «ўтибди», «омонатини топширибди», «бу дунё азобидан қутилибди» ва ҳақозо тарзида етказди. Халқ «Ёрни сув бузар, элни сўз бузар» деганда, ёлғон-яшиқ, миш-мишлар, деди-дедилар, маломатларнинг одамга таъсирини назарда тутди. Халқ назарида илоҳий қудратга эга бўлган сўзга масъул туриш, ҳамиша рост гапириш, кишининг айбини юзига айтиш ва тўғрилиқка, айбдан, гуноҳдан, хатодан холи бўлишга ундаш мардлик, жасорат белгисидир. Мардни йўлбарсга қиёслаймиз. Демак, йигит жасурликда йўлбарсдек экан, у ўз атрофидаги кишилар айбини кўрганда ҳам тап тортмай юзига айтсин. Ақлли одам кўзи билан кўрмай, юзма-юз туриб қулоқ билан эшитмай бировларнинг

миш-мишига ишонмайди. Агар у ҳар хил деди-дедиларга ишониб, ҳақиқатни аниқламасдан иш тутса, қалбан ва руҳан кўрдир. Турли иғволарни тўқувчи, бировга тегишли сирни, гапни уйдирмалар билан ўзгага етказувчилардан сақланиш, уларнинг гап-сўзига ишониб гап қувишдан асралиш лозим. Чунки халқ айтади: «Гап қувган балога йўлиқади».

25 ва 26-САБОҚ. Муқаддас илоҳий китобимиз «Куръони карим» сураларининг 6 тасидаги 9 оятда ота-оналарнинг улуғлиги, уларни қадрлаш такрор-такрор уқтирилади. Жумладан, «Ал-исро» сурасининг 23-24-оятларида қуйидаги муқаддас сўзлар нозил этилган: «Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма. Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун мсҳрибонлик билан хорлик қаноатини паст тут-хокисор бўл ва: «Парвадигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (хақларига дуо қил)!».

Шу оятлардан аён бўлмоқдаки, инсоннинг биринчи вазифаси Аллоҳга ибодат қилиш бўлса, иккинчи вазифаси, бурчи ота-онага яхшилик қилишдир. Ота-она қайси динга, миллатга мансублигидан қатъий назар, фарзанд уларга нисбатан ҳурматда бўлиши, сўзларини қайтармаслиги, уларга нисбатан яхши ниятда бўлишлари шарт. Чунки шу улуғ зотлар фарзанднинг бу ёруғ оламини кўришлари, яшашлари сабабчисидир. Ота-онага бўлган чексиз муҳаббат халқимизнинг энг гўзал қадриятларидан бири даражасига кўтарилган ва асрлар давомида қон-қонимизга синган. Ҳар бир авлод ота-она ва фарзандлар орасидаги илоҳий муҳаббатни ўғитлар тарзида, шахсий намуна кўрсатиш асосида, бадий ижод воситасида сўнгги авлодга сингдирган.

*Ота билан яшар ушбу башарят,
Фарзанд учун ота олтин иморат.
Ёмон бўлса ҳамки ота улугдир,
Кетган бўлса қил қабрин зиёрат,*

дея чилтонлар ёш Гўруғлига отанинг улуғ инсонлигини, уни қадрлаш, эъзозлаш лозимлигини уқтирадики, тўртликдаги маъно муқаддас китобдаги маънога яқин туради. Зеро, оталар бўлмаса, башарият бўлмайди. Ҳар бир фарзанд ўз отасини тенгсиз хазина билмоғи, уни заррача хафа қилмаслиги, кўнглини қолдирмаслигига бурчлидир. Гарчи ота ўзгалар назарида ёмон бўлса-да, фарзанд уни ҳамиша яхши деб билмоғи, ҳурматини жойига қўймоғи шартдир. Чунки ўзганинг яхши отаси эмас, ўзининг ёмон отаси дунёга келишига, ўниб-ўсишига, ҳаётдан завқланишига сабаб бўлган. Халқда: «Отанг чўчка бўлса боғлаб бок»-деган анча кўполроқ нақл бор. Албатта, ҳеч вақт ота чўчка бўлмайди, аммо чўчка табиат бўлиши мумкин. Ақлли ўғил ёки қиз отасининг ёмон феъл-атворини айтиб жар солиши, ёхуд ноўрин ҳатти-ҳаракатлари сабаб рад этиши, тан олмаслиги гуноҳдир. Балки фарзанд сифатида отанинг хатоларини кечириб, камчиликларини яшириб, рози қилиш фарзу қарзидир. Беҳудага ота рози-худо рози дейишмайди.

Фарзанд учун ота қанчалар улуғ бўлса, вужудида ўстириб дунёга келтирган, оқ сут бериб тарбиялаган она янада буюқдир, эъзозга лойиқдир. Шу табарруқ зотнинг меҳри, муҳаббати, фидоийлиги, қанчадан-қанча уйқусиз тунларда тортган чексиз ташвишлари эвазига фарзанд камолотга эришади:

*Она кўрсатади жаҳон юзини,
Олтинга бит ҳар бир айтган сўзини,
Бириси ой бўлса, биридир қуёш,
Тавоб айла босиб кетган изини.*

Ота-она ҳақида бу қуйма мисралар улуғ бобомиз ҳазрати Алишер Навоий фикрларига ҳамоҳангдир. Аммо халқда давомийлик кучлироқ. Яъни фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи уларни тириклик пайтидагина эъзозлаш эмас, балки вафотидан сўнг ҳам ҳар қачон босган изларини тавоб айлаб, қабрини тез-тез зиёрат қилиб, дуо билан ёдлаб турмоқ шарт.

27-САБОҚ. Инсон шундай яралганки, унинг ҳар бир аъзоси яшаш омили бўлиш, маълум белгиланган вазифани бажариш, ўзаро алоқаларни, ижтимоий муносабатларни боғлаш учун хизмат қилади. Гап ҳар ким ўз аъзоларини ақл-идрок билан ишлатишида. Ақл-идрок, қобилият, талант фақат ирсий хусусият бўлмай, олинган тарбияга ҳам боғлиқдир. Гўдакликдан тўғри тарбия олган инсон халқ маъқуллайдиган ахлоқий фазилатларга эга бўлади, эл ва юрт манфаати учун хизмат қилади.

*Одамзодга берган худо кўзу қош,
Ўйлаб гапир, деб берибди яна бош,
Ёлғиз отнинг чанги чиқмас ҳеч қачон.
Ҳар жойдан орттирган ошно, қариндош.*

Ақли расо одамлар беҳуда, имкони йўқ орзу ҳавасга берилмайди, кўлидан келмайдиган ишга уринмайди. Чунки ҳар бир ишнинг бажарилишини пухта ўйлайди, кўз билан чамалаб кўради. Айни дамда катта ишларга киришишдан олдин ўзгалар билан маслаҳатлашади, яқинларининг ёрдамига суянади, халқ маъқулламаган ишларни бажаришга беҳуда ҳаракат қилмайди. Ёлғиз отнинг қанча юурса ҳам чанги чиқмаслиги, доврўғи таралмаслиги аён. Шу сабабли одам қандай эзгу ишга кўл урса, сафар қилиб қаерга юрса, одамлар билан ўйлаб муносабатда бўлиш, ширин тил билан муомала қилиш, ҳар ишда, ҳар жойда ошна, дўст топиш фақат омад келтиради.

28-САБОҚ. *Кўрмайин бир ишнинг бўлма шайдоси,
Катта билгин бўлса душман майдаси,
Балодан қутил деб берган ёлгонди,
Бошқага ёлгоннинг йўқдир фойдаси.*

Инсон фарзанди ўсмирлик ва йигитлик даврида ҳар ишга қизиқувчи, ўзини ҳар ишни бажаришга қодир деб билади. Ўзи бажармоқчи бўлган вазифанинг, касбнинг машаққатли томонларини кўпам ўйлаб кўрмайди. Эл назарида ҳар бир ишнинг мураккабликларини англаш, шу

кийинчиликларни енгиш йўллари билиш лозим. Ташқи томонга қараб шайдо бўлиш оқибати яхши бўлмайди. Худди шундай душманни кучсиз билиб, унинг ҳар қадамда зарба беришини унутиш ҳам кулфатни, ғам-қайғуни оширади. Душманнинг майда каттаси бўлмайди. У ҳамиша, ҳар жойда душмандир. Душман ҳар кимнинг йўлидаги офат, балодир. Яхшилар ўз рақибидан сақланиш, унга зарба бериш, уни мағлуб этиш йўллари билмоғи шарт. Душмандан қутулиш, балодан омон қолиш учун ёлғон гапириш ҳам мумкин. Чунки ёлғон балодан қутулиш учунгина берилган. Аммо бошқа пайтда ёлғон айтиш, қариндош-уруғ, дўст-оғайни, умуман одамларни алдаш катта гуноҳ. Дарвоқе, ёлғонлар бир куни албатта фош бўлади ва ёлғон сўзловчи оғир изтиробга, уятга қолади. Ён атрофимизда ёлғончилар қандай эътибордан қолганини кўрсатувчи мисолларни истаганча келтириш мумкин. Шу ўринда биргина Ҳазрати Алишер Навоийнинг «Шер билан Дурроҷ» ҳикоятини эслаш кифоя.

29-САБОҚ. Достонларда юртсеварлик, юрт озодлиги ва ободлиги мавзуси асосий ўринда туради. Дарвоқе ҳар бир эпик қаҳрамоннинг алоҳида хизмати, обрў-эътибори, уни юксакликка кўтарган ҳолат ҳам ватанпарварликдир. Ҳамиша яратувчи, ижодкор халқнинг ўзи ватанни севганидан, унинг ўзи яшаган заминни гуллаб яшнашини кўриш истагидан душманга мавҳ бўлмайдиган, юрт тинчлиги ва ободлиги учун курашларда баданига ўқ ўтмайдиган, қилич кесмайдиган, найза тешмайдиган, ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган қаҳрамонлар образини яратади. Исломгача ва ислом дини қабул қилингандан сўнгги даврларда ҳам юртнинг ҳар қарич ери, ҳар сиким тупроғи муқаддас саналган ва шу қутлуғ заминда яшайдиган қариндош-уруғ, таниш-билиш, яъни юртдошлар эл бўлиб Ватанга, оилага меҳр қўйиб, севиб, ардоқлаб, ўз бунёдкорлик меҳнати-ла гуллашиб яшнатганлар. Киндик қони томган, ўниб-ўсган ер, яъни Ватан тавоб қилишга арзийди ва халқ меҳру муҳаббатига лойиқ. Ўз халқи, ўз юрти учун пешона терини тўкиш, бутун онгли ҳаётини сарфлаб хизмат қилиш йигитнинг муқаддас бурчидир. Аммо тақдири азал шундайки, инсон ўз юрти ва

элидан айри тушиши, мусофирлик машаққатларини бошдан кечирishi ҳам мумкин. Ўшандай лаҳзаларда бегоналар орасида юрту халқ соғинчи дилларни ўртайди. Ўзга юрт, ўзга элда мусофирликдаги ҳижрон азобларини енгиб, қийинчиликларга бардош бериб, бегоналарга ўзининг, элу юртининг сир-асрорини сездирмай эҳтиёткорлик билан яшаш даркор.

*Тавоб қилгин ўйнаб-ўсган ерингни,
Ўз халқингга тўккин манглай терингни,
Ҳар нарсадан мусофирлик ёмондир,
Ўзга элда дўстга айтма сириггни.*

30-САБОҚ. Бу ҳаёт шундай яралганки, ҳеч ким ўзича одамлардан, ҳайвоноту қушлар, ўсимликлар дунёсидан айри яшай олмайди. Ким бўлишидан қатъий назар ён-атрофдаги кишилар билан алоқа қилиб, улардан нимадир олиб, эвазига ниманидир бериб, ниманидир ўрганиб, ниманидир ўргатиб, табиатдан озикланиб умрини ўтказади. Шундай ҳолларда ҳам ақл-заковат зарур бўлиб, олди-бердилар инсонни ўз имон-эътиқодидан айирмаслиги, нокас олдида муте, итоаткор қилиб қўймаслиги даркор.

*Олди-берди боғламасин қўлинггни,
Бўйдоқ билмас аҳволинггни ҳолинггни,
Очдан ўлсанг қарз олма нокасан,
Қарз берсанг бер деб айтма молинггни.*

Олди-берди қўлнигина боғлаб қўймайди, дилни ҳам боғлайди. Дилнинг олди-бердига боғланиши эса одамнигина эмас, жамиятни ҳам издан чиқаради. Чунки ҳамма олди-бердисиз иш бажармай қолса, ўша жамият издан чиқади. Борди-ю олди-берди қилганда ҳам одам ўз тенгини топиши лозим. Ҳар бир шахс ўз ўйи, ақли, ахлоқи, фаҳм-фаросати, диди, иқтидори, руҳияти иқтисодий, маънавий-маиший яшаш тарзига эгаки, рўзғорли рўзғорсизнинг, бой камбағалнинг, бола катталарнинг ташвишли дунёсини англайвермайди. Бир ривоятда айтилишича бир киши

хотинига «Бўйдоқ меҳмонга келганда бутун нон қўй!»-деб буюрибди. Хотин бунинг сабабини сўраганда, эр шундай деб жавоб қайтарибди. «Оилали, рўзгорли одам етишмовчиликни, рўзгорда ҳамма нарса тўла-тўқис бўлмаслигини билади ва уйда ҳам шундай ҳолатлар бўлиб тургани учун сир сақлаб, қаноат қилиб ҳеч кимга гапирмайди. Бўйдоқ эса оиладаги камчиликларни англамагани, билмаганидан «Синик (бўлакланган)» нон қўйди деб маломат қилади». Дарвоқе, рўзгорда нимадир етишмай турганда инсонлар бир-биридан ёрдам олади. Шулардан бири қарз олишдир. Қарз олиш, қарз сўраш оғир. Аввало инсон мажбур бўлганидан, иложсизликдан қарз сўрайди. Иккинчидан, қарз сўровчи қарз сўрагунча минг хил ўйга боради, руҳан эзилади, қийналади, тикка қаддини дол қилиб борганда, ўзида бор одам қарз берса-ку яхши, йўқ деб қайтарса қанчалар оғир.

Шу сабаб қарзни ҳам нокаслардан эмас, мардлардан сўрашни билиш керак. Нокасдан қарз олсанг ҳар жойда миннат қилади ёки қайтаргунингча сўраб ҳоли-жонингга қўймайди. Ҳадиси шарифда садақага бир савоб ёзилса, қарз берганга икки савоб ёзилиши айтилган. Чунки садақа боридан ихтиёрий берилади, қарз эса иложсиз кишига берилади. Гарчи савоб бўлса ҳам нокасга қарз берилмагани маъқул. Сабаби у олган қарзини қайтариб бермайди. Ислом мафкурасида қарз олиб бермаслик, қарз олган кишидан вақтида қайтаришни сўрамаслик қаттиқ Қораланади. Беҳудага бирон киши вафот этганда, жанозадан олдин марҳумнинг кимдан қарзи борлиги ёхуд кимга қарз бергани сўралиб розилашилмайди. Инсон у дунёга қарздор бўлиб кетмаслиги, бу дунёда берилмай қолган қарзи ҳам қолмаслиги лозим.

31-САБОҚ. *Одамзодда адо бўлмас хислат бор,
Билса зардир, билмаганлар хору зор.
Ширин ҳам тил, аччиқ ҳам тил, билиб ол,
Тил билан тошни ҳам эритса бўлар.*

Аллоҳ инсонни улуғ қилиб яратган, у бу ёруғ оламнинг сарвари, гултожи бўлиб, минг бир хислатга эгадир. Дунёдаги

жами гўзаллик инсон учун. Аммо бу тенгсиз гўзалликдан қандай баҳра олади, ҳисобсиз ризқ-насибасидан қандай фойдаланади, табиатдаги ҳайвонот, ўсимликлар дунёсига, нарса-предметларга қандай муносабатда бўлади? Энди бу унинг ақлига, интилишига, сезгирлигига, зукколигига, идрокига, иродасига, фикрлашига, тилига, ўзини тута билишига, тафаккурига боғлиқ. Ҳар не ишни, мақсадни орзу қилиб, яхши-ёмонни, паст-баландни, оқ-қорани фарқлаб босиқлик, ўйлов билан ҳаракат қилса ниятига етади. Феъли кенглик, босиқлик, шошмаслик, беҳуда тажанг бўлавермай етти ўлчаб бир кесган ҳолда ишга киришиши муваффақиятлар асосидир. Ўзини ҳам ўзгаларнинг ҳам яхши-ёмон хислатларини синчиклаб ўрганиш, заргарона маҳоратни талаб қилади. Аммо одамни англаш, яхши фазилатларини кашф этиш, ташвишларни енгиш лозим. Ён-атрофимиздаги кишилар характерини ўрганиб муомалага киришсак, фикримизни ширин тил, самимият билан ҳурматни жойига қўйган ҳолда тушунтира билсак, ҳар қандай мушқилот ҳал бўлади, қанчалик қийин бўлмасин режалаштирган ишимиз амалга ошади. Ширин сўз тошларни, тош қалбларни ҳам эритишга қодир ва аксинча кўрслик, кўполлик, аччиқ сўз эса битадиган ишни биткармайди, дилга жароҳат солади, душманликни юзага келтиради. Душманлик эса урушларга, урушлар чек-чегарасиз фалокатлар, ғам-ғуссаларга дучор қилади. Шу сабабли эзгулик, бахтиёрлик, омад истаган ҳар ким аввало тилга эътибор бермоғи лозим.

32-САВОҚ. Халқда: «Кенга кенг дунё, торга тор дунё» деган мақол бор. Яъни бу ақли теран, дунёқараши, фикри кенг одам дунёни атрофлича, ҳар томонлама тўқис англайди. Ичи Қора, феъли тор, кўнгли нопок одамга бу чексиз олам жуда сиқик, тор бўлади, дегани.

*Феъли тор одамга бу дунёнг ҳам тор,
Донолар гойибдан олади хабар.
Подшолар шошмайди, ҳукм айтишда,
Гуноҳсиз бечора бўлмас гуноҳкор.*

Ҳар бир одам феълини кенг қилиши, бўлар-бўлмас воқеа-ҳодиса, нарсадан сиқилавермаслиги керак. Сиқилиш одамнинг кўзига гўзал оламни фэйсиз, завқсиз қилиб қўяди ва яшайдиган уйи, маҳалласи, юрти, бу улкан замин, чексиз коинот кўзига тор кўринаверади. У шу руҳий ҳолат туфайли ўз яқинлари, қариндош-уруғлари, таниш билишларининг ҳам дилига озор етказади. Феъли кенглик оддий киши учун қанчалик лозим бўлса, амалдорлар, тўралар, ҳокимлар, подшоларга ундан минг марта зиёда керакдир. Чунки ҳукмдор бутун бир юртнинг, халқнинг ободлиги, бахтиёрлиги учун масъулдир. Мамлакатдаги осойишталик, адолат, элнинг тўкин-сочинлиги ҳукмдорга боғлиқ. Шу боисдан подшо давлатнинг барча ишларида, хусусан, ҳукм, фармон чиқаришда ҳар қачон ўйловли, мулоҳазали бўлиши, шошмаслиги лозим. Ўшанда гуноҳсизларни беҳуда, ноҳақ жазолаш, адолатсизликка йўл қўйиш, қилган ишидан пушаймон чекиш бўлмайди. Бу хислат ҳозирги ҳар бир катта-кичик раҳбарда ҳам бўлиши шарт. Зеро, қандай жамоа бўлмасин унинг ютуқлари, шон-шухрати раҳбарнинг кенг феъллилиги, жамоа аъзоларига нисбатан адолатли, самимий муомаласига боғлиқдир.

33-САБОҚ. Халқда «Назар тегмай бек бўлмас» дейилса, ҳадисларда «Адолатли шоҳ Аллоҳга яқиндир» дейилади. Зотан, шоҳлик, ҳукмдорлик мартабасига эришиш ниҳоятда шарафли бўлиб, комилликни, оғир машаққатни, сабр ва бардошни ҳам талаб қилади.

Чунки: *Шоҳликда бўлади беҳисоб давлат,
Давлати қайтгансан бешик салтанат,
Ўз халқи, ўз эли фарзанд мисоли,
Агар қила олса юртда адолат.*

Ҳар бир шоҳ қайси мамлакатга эга бўлмасин унинг беҳисоб давлати бўлади. Давлат—бу ўша худуднинг аҳолиси, ер ости ва усти бойликлари. Юртни осойишта сақлаш, халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш, аҳоли ўртасидаги меҳр-оқибат, имон-этиқодни мустаҳкамлаш шоҳнинг зиммасидаги вазифадир. Буларга

хукмдор адолати, қатъияти, мардлиги, зукколиги билан эришади. Дарвоқе, яхши хулқ ҳам одамнинг бебаҳо давлатидир. Борди-ю, подшо адолатни унутса, давлат қайтади. Давлатнинг қайтиши осойишталикнинг бузилиши, халқнинг норозилиги ва норозилик, адолатсизлик туфайли ҳар кишининг ўз ишини бажармаслиги қашшоқликка олиб келади. Бундай бўлишини истамаган шоҳ адолатни мустаҳкам ушлаши керак. Қўл остидаги одамларга ўз фарзандидек ғамхўрлик қилиши, меҳрибонлик кўрсатиши лозим. Шунда халқ ҳам ҳукмдорини ота деб қабул қилади, қадрлайди.

34-САБОҚ. Ўз юртини севган, халқига оталардек ғамхўр бўлган адолатли шоҳ салтанат, шон-шуҳрат абадий эмаслигини англаб етади. Бу эса ғаразгўй бўлишга йўл кўймайди. Ғаразгўйлик, кўролмаслик, беъманиликдир:

*Абадий турмайди одамнинг жони,
Ғаразгўй бўлмоқлик ўзи бемаъни,
Подшолар подшога қадимдан душман,
Душманни дўст қилар ақл султони.*

Одам қанчалик иззат-ҳурмат, обрў-эътиборга эришиб бораверса, ғанимлари, шуҳрат-шонини кўролмайдиган душманлари ҳам шу қадар кўпайиб боради. Гадонинг душмани гадо бўлади деганларидек, подшонинг ғаними подшо бўлади. Подшоларнинг ғанимлиги эса урушларга олиб келади. Шу сабабли ақли ҳукмдор душманни дўст қилиш, шу билан бало-офатларнинг олдини олиш чораларини излаб топиши керак. Ақл султони бўлган ҳар ким биров билан жанжаллашишдан, ўзига душман орттиришдан сақланмоғи лозим. Ёшнинг ҳам, кексанинг ҳам дўсти қанча кўп бўлса, дўстни қанчалик кўпайтирса шоду хуррам, бахтиёр яшайди.

35-САБОҚ. Ер юзида подшоликлар кўп бўлган. Тарихда бир ҳукмдорнинг номи адолат тимсоли сифатида шон-шуҳратга бурканиб қолган бўлса, ўзгаси золим ва қонхўр сифатида қарғишларга кўмилган. Ҳамиша тинчлик ва

осойишталикни яхши кўрган Аллоҳ адолатли шоҳларни ўзига яқин олиб, золимларга бу дунёдаёқ жазо берганига мисоллар кўп. Кимки юртга ҳукмдор бўлар экан бу ҳақиқатни ёддан чиқармаслиги шарт. Шоҳ фаҳм-фаросатсиз, бойликка ўч, эл-юртга беэътибор бўлганда очарчилик, хонавайронлик рўй беради. Ўз юртидаги бойликка қаноат қилмай ўзга ҳудудларга уруш қилган, шаҳар ва қишлоқларни кунпаякун этган, бегуноҳлар қонини тўккан подшоҳлар лаънатга лойиқдир.

*Бир элга урушни қилма ихтиёр,
Ўлганлар қонига бўларсан хундор,
Юртингга кирганни асло аяма,
Ўзи қилган ишга ўзи жавобгар.*

Ёвуз ниятда қўлда қурол билан ўзга юртларга бостириб кириш, кекса-ю ёш, эркагу аёлнинг жонига зомин бўлиш нечоғлик катта гуноҳ бўлса, ўз элигга ҳужум қилган, юртингни таламоқчи, халқингни кул қилмоқчи бўлган босқинчиларга қарши мардона жанг қилмоқ, қаҳрамонлик кўрсатмоқ шу қадар савоб, шараф ва бурчдир. Инсон муқаддас тупроғига мурдор қадамини қўйган душманга қарши кураши билан ўзининг ҳақиқий юртсевар, элпарвар эканини кўрсатади. Душман бошини янчиш гуноҳ эмас. Чунки у ўзи урушни, ўлимни ихтиёр этди ва қабиҳ ниятига яраша жазо олиши шарт.

36-САБОҚ.

Яхшидан, ёмондан бирдай ном қолар.

Ҳар ким қилганига ҳақини олар.

Ёмонга лаънатдир, яхшига раҳмат.

Яхшини бу олам ардоқлаб келар.

Айтишларича, бу дунё синов майдони экан. Одамнинг туғилиб, ўниб-ўсиб қилган ишлари, Аллоҳ берган умрни нималарга сарф этгани шу ёруғ дунёда кечирган ҳаёти орқали ҳисоб-китоб қилинади. Аммо содда, жайдари ва аниқ тушунча шуки, барча кишиларни иккига-яхши ва ёмонга ажратиб баҳолашга ўрганганмиз. Инсон фарзанди ҳақида ҳукмимиз шу икки сўзда жамланган. Ҳаётлик

пайтида кимки яхши сифатида қадрланса ёхуд ёмон деб қаралса, вафот этганидан сўнг ҳам шу хислатлари билан хотирланади. Тириклик пайтида бажарган эзгу амаллари ёхуд қабихликлари авлодлар томонидан эътироф этилади. Буни ҳар ким англаб етиши лозим. Ёмон одамнинг фақат ўзи ёвуз кирдикорлари азобини тортмайди, балки фарзандлари ҳам ёмон ота ёки она туфайли ғам-аламга дучор бўлади, аждодлари қилган ёмонлик учун қадди эгилади. Яхшиларни эса одамлар ҳурмат-иззат билан эслайдилар, эзгу ишларини тарғиб этиб, ўғил-қизларига ҳам меҳр-оқибат кўрсатади. Асрлар мобайнида яхшиларнинг фазилати, халқи ва юртига қилган савоб ишлари тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб яшайверади. Эзгу амаллар жуда кўп ва хилма-хил бўлиб, асосийси инсонни қадрлаш, бевабечора, етим-есир, қашшоқларга яхшилик қилиш, муҳтожга ёрдам бериш, катта-кичикнинг кўнглини қолдирмасликдир.

37-САБОҚ. Хаётда яхши ном қолдириш учун шоҳ ё амалдор бўлиш, юксак қасрлар қуриш шарт эмас. Ҳар ким ўзининг кўпчилик манфаатига хизмат қиладиган кичик бир иши, тўғрилиқка бошлайдиган бир оғиз ширин сўзи билан ҳам олқиш олиши, номики абадиятга қолдириши мумкин. Боғбоннинг яхшилиги ундан қолган боғда, устознинг яхшилиги муносиб шогирд тайёрлашда, табибнинг яхшилиги кишилар дардига дармон бўлишда намён бўлади:

*Боғбоннинг устаси гулдан билинар,
Шоҳликнинг шавкати йўлдан билинар,
Одамзод бир дарахт экиб кетса ҳам,
Қалбининг поклиги шундан билинар.*

Уста, ўз касбини яхши билган боғбон хилма-хил гулларни ўстириб, кишиларга завқ-шавқ бағишласа, элни, юртни ўйлаган шоҳлар йўлни яхшилади. Чунки йўл барчанинг юрадиган жойи. Йўллар манзилларни манзилларгагина боғламайди, дилларни, элларни ҳам боғлайди. Йўллар қанчалик равон бўлса, қатнов шу қадар кўпаяди, алоқалар мустаҳкамланади ва шоҳликнинг шон-

шавкатини ёяди, шоҳнинг эътиборлигини, халқпарварлигини, юртни обод қилишдаги хизматларини кўрсатади. Иккинчи мисрадаги иккинчи маъно шундаки, шоҳлик яъни ҳукумат, давлат ўз йўлини тўғри танлай олса, адолат асосида иш тутса доврўғи ошади дейилмоқчи. Инсон фарзандининг дили поклиги, абадиятга яхши ном қолдириши у эккан оддий бир дарахт, ёки кичик бир кўприк барпо этиш кабиларда намоён бўлади. Ҳар бир касбда, башариятга бағишланган ҳар бир савоб ишда, эзгу фазилатда инсон ўзлигини намоён эта олиши мумкин.

38-САБОҚ. Жамиятнинг ривожланиши, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти ва қудрати, халқнинг тўкин-сочинлиги, бахтиёр яшаши илму маърифатга эътибор билан белгиланади. Қаердаки илм қадрланса, илм эгаларига етарли шарт-шароит яратилса ўсиш, тараққиёт бўлади. Маърифат юксалса, жаҳолат чекинади, улўғ кашфиётлар қиладиган олимлар етишиб чиқади.

*Билими бор жойнинг бўлар олими,
Олими бор жойнинг бўлар таълими,
Тартиб ҳам, одоб ҳам шундан билинар,
Булари йўқ жойнинг кўндир золими.*

Зеро, одамларда илм бўлмаса, қаердан олим чиқсин. Олимлик фаннинг бирор соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлишдир, маълум соҳани мукаммал билишга интилиш ва шу жабҳадаги назарий қарашларни амалиётга қўллаб, ҳаётий ҳулосалар чиқаришдир. Табиат ва жамиятни мукаммал билишда фанни, фаннинг тараққиётига ҳисса қўшиш олимликни юзага келтиради. Олимлар қаерда кўп бўлса, улар самарали изланишлар олиб бориб, кашфиётлар қилса, ўша ерда таълим ҳам, тарбия ҳам бўлади. Таълимнинг яхши йўлга қўйилиши тарбияни янада мукаммаллаштиради. Бу одамларни тартибга, одобга олиб келади. Аъзолари илмли, ахлоқли, интизомли бўлган давлат эса ҳамиша қудратлидир.

39-САБОҚ. Аллоҳ Одам Атони яратгандан буён бир бало борки, у ҳамиша инсонни йўлдан оздиради. Оддий кишиларгина эмас, не шоҳу не донолар, не паҳлавону баҳодирлар ҳам шу балога дуч келиб қон қақшаган, зор-зор йиғлаган ва икки оламда ҳам хорлик топганлар. Бу нафс балоси:

*Икки нафс оламда бўлмайди барбод,
Кимлардир бундан шод, кимлардир ношод.
Ҳеч нафс балосига қўйма ўзингни,
Азалдан тўймаган, тўймас очкўз зот.*

Шу нафс балоси Одам Ато ва Момо Ҳавони жаннатда яшашдан бенасиб қилган эди. Қанча замонлар ва асрлар ўтса ҳам шайтон домига тушган одамзод шу нафс балосидан жабр тортмоқда. Бу нафснинг бири мол-дунёга тўймаслик бўлса, иккинчиси ҳирсий нафсдир. Унинг қайсига инсон дучор бўлса ҳам завол топади. Нафсга берилган зулм қилишдан, ҳар қандай пасткашлигу разилликдан қайтмайди. Чунки нафс кўзни кўр, қулоқни қар, онгни қарахт қилиб қўяди, ҳис-туйғуларни жиловлашдан, ўзини идрок этишдан жудо айлайди.

Кимки нафсга қул бўлса, у қанчалик бойлик тўпламасин, обрў-эътибор топмайди, балки бор иззат-ҳурматини ҳам йўқотади, одамлар нафратига, ғазабига, қарғишига дучор бўлади. Айни дамда очкўзлик билан зулм, риёкорлик ва қабихлик билан йиғилган мол-дунё ҳам унга насиб этмайди. Шу сабабли инсоннинг нафс балосидан ўзини сақлай олиши энг катта мардлик, жасоратдир. Нафсини жиловлай олиш инсон камолотининг бир муҳим белгиси.

40-САБОҚ. Илоҳий қаҳрамоннинг илоҳий ҳомийлари (аслида фарзандга унинг отаси, бобоси, устозлари) ўттиз тўққиз насиҳатда одамнинг дунёга келиши ва кетиши боисини, бу беш кунлик ўтар дунёда нималарни қилиш ва қилмаслик, қандай кишилар билан яқин муносабатда бўлиш ва кимларга ёндошмаслик, қай фазилатларни улуғлаш ва қайси бирларини лаънатлаш ҳақидаги фикрлар, одоб-ахлоқ

қоидалари баён этилгач, охирги қирқинчи чилтон айтилганларга якун ясаб дейди:

*Уруш кўрмаганинг элати тўқдир,
Инсонлар шодлигин кўриш зўр бахтдир,
Осмонда юлдузлар қара саноқсиз,
Ҳай аттанг, бир ойча ёруғи йўқдир.*

Заминда юртлар, элатлар кўп, аммо улардан энг фаровони, ободи, халқи бахтиёри уруш кўрмагани. Осойишта, урушни бошдан кечирмаган, билмаган мамлакат аҳолиси тўқ, шоду хуррам яшайди. Бу оламда қувончу шодлик қайғу-ю ғам ҳам мўл-кўл. Аммо улардан энг оғири инсонлар чеккан ситамни, жабрни кўриш бўлса, энг яхшиси одамлар ўйин- кулгиси, қувону завқига гувоҳликдир. Осмонда юлдузлар нечоғлик ҳисобсиз бўлмасин, биргина ойчалик ёруғлик бера олмайди. Эпик қаҳрамон, урушга қарши адолатли шоҳ сонсиз юлдузлар-инсонлар орасида танҳо ойдек, ой бўлиб ўз нурларидан элни баҳраманд этиши лозим. Бу идеал қаҳрамон ҳақида, энг одил ҳукмдор тўғрисидаги халқ орзу-умиди. Юқоридаги фазилатларни ўзида жамулжам эта олган инсон комил инсондир.

ЯХШИЛИК ЗИЁСИ ЮРСИН ЮЗИНГДА

Албатта юқоридаги қискагина изоҳлар орқали уларда акс этган халқ этнопедагогикасининг барча хусусиятларини кўрсатиш мумкин эмас. Аслида мавзуга чуқурроқ назар ташласак, 40 насиҳат - 40 дуонинг қадимий илдизларини, бошқа фольклорий жанрлар, хусусан, мақоллар, нақллар, ривоятлар ва ҳадислар билан ўзаро муносабатини ҳам таҳлил қилиш зарур бўлади. Ҳар бир насиҳатнинг рубойи шаклда берилиб бориши ёхуд ёзма адабиёт вакиллари ижодидаги айрим ҳикматлар билан алоқасини кузатиш ҳам янги илмий хулосалар чиқаришга имкон беради. Биз учун ушбу рисолада ёритилиши лозим бўлган мавзу халқ қадриятлари, халқ педагогикасининг қамрови ниҳоятда кенглиги, унга тугал риоя этиш қомил инсон бўлиб етишишининг асоси эканлигини таъкидлашдир. Гарчи у биргина ёш қаҳрамонга айтилган шунчаки маслаҳатлар, панду-насиҳатлар бўлиб туюлсада, аслида авлодларимиз томонидан неча минг йиллар давомида ишлаб чиқилган, ҳаётий тажрибалар, руҳий ва миллий хусусиятларни ўзида жамлаган Одобнома, Ибратнома, Ҳикматнома сабоқларидир.

Шу қирқ чилтоннинг эпик қаҳрамонга қирқ насиҳати, берган қирқ дуоси Гўрўғлининг Гўрўғли бўлиб ер юзида, кўкда ва ер остида беқиёс шуҳрат, обрў-эътибор, шон-шараф топганига асос бўлганини таъкидлаш керак. Гўрўғли силсиласига кирувчи мустақил сюжет ва композицияга эга бўлган юздан ортиқ дostonларда халқ қаҳрамонининг эзгулик учун кураши, жасорат ва фидойилик кўрсатиб ғалабага эришувининг асоси, юртда адолат ўрнатиб осойишталикни таъминлаши, элнинг бахтиёр яшашига сабаб бўлишининг асоси худди шу насиҳатларга амал қилишидир. 40 насиҳат ва бутун дoston давомидаги воқеалар баёнига киритилган одоб-ахлоқ ҳақидаги ўғитлар қаҳрамонни бало-офатлардан асрайди, улуғвор мақсадлар сари илҳомлантиради. Қаҳрамон қачонки, шу ўғитлардан бирортасини ёддан чиқарса, албатта, қайғу-кулфатга дуч келади, бошига бало ёғилади, ғам-алам чекади. Гўрўғлига айтилган пандлар унинг шажарасидан етишиб чиққан,

бошқача айтганда асранди бўлса-да, унинг фарзандлари, неvara-чеваралари хисобланган Авазхонга, Ҳасанхонга, Равшанга, Нуралига, Шералига, Жаҳонгирга бирдек тегишли. Зеро, бугина эмас, бу ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан пандномалар бутун халққа, инсонларга хусусан ёшларга тегишли.

«Зайдиной» достонида панд-насихатлар, яъни халқ одобномаси фақатгина қирқ насихатда чилтонларнинг қирқ дуосидагина акс этмаган. Биз шарҳлаган ўрин фақат маълум бир қисмда жамланган, дастурнома сифатида баён қилинган. Достоннинг бутун воқеалари, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари, ҳатти-ҳаракатлари, табиатдаги жонли ва жонсиз мавжудотлар, предметлар билан алоқасини ёритиш жараёнида халқ ахлоқий қарашлари ҳам таъкидлаб кўрсатиб борилади. Масалан, Гўруғли мансуб Такали туркман уруғини душманлар талайвергач, уруғ аҳли маслаҳатлашганда, ёш Гўруғли дейди:

*Қурт тешади доим ёғоч бўшини,
Тошни тешар тушса кўкнинг яшини,
Бириктирса чўпни синдириб бўлмас,
Бириктирмоқ керак элнинг бошини.*

Кўриниб турибдики, уруғ аъзоларини аҳилликка, бир ёқадан бош чиқариб иш юритишга, бириккан элнинг қудрати яшиндай тошни тешишга қодир бўлишига ундаш акс этмоқда.

Дарвоқе, бирлик, яқдиллик барча ютуқларнинг, яхши турмуш кечиришнинг, фаровонликнинг асосидир. Халқ эътиқодича, бириккан кучни енгиш мумкин эмас.

Ўзбек халқ достонларида одоб-ахлоқ мавзуйига, ёшлар тарбиясига шу даражада эътибор берилганки, у эпик ўрин даражасига кўтарилган ва ҳар бир анъанавий достондан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Сафарга отланаётган ёки мустақил ҳолда бирон иш қилишга киришиш, беллашув, кўпқари, пойга, чавандозлик каби миллий ўйинлар, мусобақалар, тортишувларга катнашиш олдидан, шунингдек, жангу жадалга бел боғлаган қаҳрамонга дуо фотиҳалар бериш, хайрлашиш, бирон эзгу мақсад сари отланиш

арафасида панду насихатлар қилиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, пок ниятлар билдириш умумўзбек дostonлари учун асосий хусусиятлардан бўлса-да, бу мавзу Жанубий Ўзбекистон дostonчилигида янада мукамалроқ, янада кенгроқ ўрин эгаллайди. Эпик қаҳрамоннинг дуогўйлари, маслаҳат берувчилари: ота-она, ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки, пир, Хўжаи Хидир, чилтонлар, шайхлар, устоз мураббийлар, элнинг оқсоқолларидир.

«Зайдиной» Гўрўгли биографик туркумининг дастлабки дostonларидан бўлгани, эпик қаҳрамоннинг болалиги тасвирлангани сабабли, қаҳрамонга насихат қилиш, йўл кўрсатиш, дуо бериш, бало-офатлардан асраш Хизир ва чилтонлар зиммасига тушадики, бу Гўрўглининг ота-онасизлик мотиви билан изоҳланади. Илк тарбиячилар-отадан айрилиш, улар бажарадиган ишни ҳам ҳомийлар зиммасига қўяди. Қирқ насихатдан сўнгги диалогларда, монологларда ёки воқеалар баёнида берилган ўғитлар дастлабкиларга ҳамоҳанг ва уларни тўлдиради, комил инсон бўлишнинг айтилмаган жиҳатлари ҳақида тушунча беради:

*Меҳнат билан топган молинг қилар мас(т)
Киши моли юқмас билсанг бир нафас,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Хизмат қилган роҳат кўрмаган эмас.*

Бу меҳнатга, ҳалолликка, ўзгалар ҳақида кўз тутмасликка ундовчи, умид уйғотувчи, астойдил тер тўкканни роҳат кўришга ишонтирувчи панднома Гўрўглига йиллаб сарсон-саргардон ҳолда ғиротни излаб, охир-оқибатга унга эришган бир пайтда айтилмоқда. Жанубий Ўзбекистонлик буюк санъаткор бахши Қодир Раҳим ўғлига хос талант билан хизмат қилган охири роҳат кўриши, бир йўқликнинг бир борлиги, гадоликнинг беклиги бўлиши ёш қаҳрамон онгига қўйилаверади.

*Бир йўқликнинг бир кун тўқлиги бордир,
Бир гамликнинг бир кун шодлиги бордир,
Хизмат қилган роҳат кўрмаган эмас,
Гадоликнинг бир кун беклиги бордир.*

*Бу дунёда, болам, бордир тоши тарози,
Насиб қилсин, бўлмас молнинг кўп ози,
Гадоликнинг бир кун беклиги бордир,
Хизмат қилган бўлмаган ҳеч норози.*

Бахши маҳорати шундаки, дастлабки тўртлик (банд)даги тўртинчи мисра («Хизмат қилган роҳат кўрмаган эмас») кейинги банднинг учинчи мисраси бўлиб келади-да, тўртинчи мисрада яна бир муҳим хулоса, аниқроғи башорат илгари сурилади. Гадоликнинг бир кун беклиги борлиги уқтирилиб, яна таъкидланиб «Хизмат қилган бўлмаган ҳеч норози»га урғу берилганда, яратган инсоннинг яхши-ёмон ишларини Аллоҳ билади, ҳар ишнинг ҳисоб-китоби бор, хизмат этганларни норози қилмайди, деган исломий фалсафий ҳукм, хулоса бор. Айни дамда сағирликдан, азоб-укубатдан, гадоликдан кутулаяпсан, бекликка эришаяпсан, ҳукмдорликда хизмат қилганларни норози қилма, деган пурмаъно ўғит ҳам мужассам.

Тарбиявий насихатлар, дуолар, ҳикматлар фақат ҳомийлар-чилтонлар, Хизир тилидангина баён қилинмайди. Балки дostonда иштирок этувчи ҳар бир персонаж нутқида, воқеа ҳодисалар баёнида, от ва табиат тасвирида донишмандлик билан айтилган одоб-ахлоқ ҳақида фикрлар шу даражада мўлки, улар бирма-бир таҳлил қилинса, тематик жиҳатдан гуруҳлаштирилса, яхлит Одобнома дарслиги юзага келади. Инсон ҳаракатидаги ижобий ё салбий жиҳатлар, руҳий дунё, ёшга, жинсга хос ҳолатлар, ҳатти-ҳаракатлар хусусиятлар атроф-муҳитдаги воқеаларга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига муқояса қилинган ҳолда берилиши образлиликни таъминлайди, эстетик идеални кучайтиради, маълум миллий урф-одатлар расм-русумлар билан боғланиб кетади. Гўруғлининг тоғаси Аҳмад Сардорга деганларини эслайлик.

*От турмас қозикда, бия чопгансан,
Совлиқлар нозланар қўчқор топгансан,
Ҳамир ҳам табоқда турмас кўпгансан,
Ғаним олмас чечам бир ой ўтгансан.
Не айтсанг қилайин обкет чечамди...*

*Дардлига ёқмайди товнинг ҳавоси,
Тишинг огригансан омбир давоси,
Дарахтлар тинчланар бўлса меваси
Аёлдир эркакнинг орзу-ҳаваси,
Бир дардга қолмайин обкет чечамди...*

*Булбуллар сайраса гуллар ёзилар,
Сайрамаса гул болдоги узилар,
Кўнгил истагансан ният бузилар,
Қошлар кўтарилиб кўзлар сузилар,
Дардисар қилмайин обкет чечамди...*

Савдо иши билан узоқ муддатлик сафарга кетаётган тоғасининг мол-мулки, минг биясини, минглаб қўй-қўзисини боқошига Гўрўғли рози-ю, фақат унинг хотинига қарашни тинмасига олмайди. Чунки чечасининг садоқатига ишончи йўқ. Айни вақтда эрсиз қолган аёлларга ўзга эркакларнинг муносабати ҳамиша яхши эмас. Яхшилар орасида ёмонлар, поклар орасида нопоклар кўп. Мусулмончиликда эса ахлоқнинг энг биринчи шарти поклик ва ҳалоллик, оилада эр-хотиннинг ўзаро садоқати. Кўп гуноҳларни кечириш, кўп ҳаттоларни тузатиш мумкин, бироқ аёлнинг хиёни, эрнинг бевафолиги кечирилмайдиган энг катта гуноҳ. Бу гуноҳга йўл қўйгани қатл этган тақдирда ҳам ислом шариатлари юнисида қотилни жазоламайдилар. Аёлларнинг оддий бир ҳатти-ҳаракати ҳам исноти гап бўлиб кетишидан, бу инсоннинг, ор-номуси билан боғлиқ бўлганидан ёш Гўрўғли тоғасидан хотини Холжувонни ташлаб кетмасликни илтижо қилади. Бу ўтинчда, илтижода оила номуси масаласи мужассам. Юқоридаги уч банд ҳеч қандай шарҳларсиз ҳам тушунарлидир. Ҳеч қайси бешликда чечам яхши ёхуд ёмон демайди. Аммо ҳар банддаги дастлабки уч мисрадаги гўё минзуга алоқасиздек туюлган фикр, хулоса орқали сўзловчи нима демоқчи эканлиги англашилаверади: Бия куйикка келса, от қозикда турмай қолади; сурувга қўчқор қўшилса, совлиқлар ҳам нозланади; ҳамир кўпса (ачиса) табокдан тошиб тўкилади. Тулпор бияни кўриб қозикда, совлиқ қўчқорни кўриб сурувда туролмаганидек ёки ачиган ҳамир табокдан тошгани каби Холжувон ҳам эри кетгандан сўнг

ойлар ўтиб, бошқа эркакни кўрганда кўнгли бузилмаслигига ким кафолат беради. Ҳеч ким, албатта.

Тоғнинг ҳавоси ҳамиша даво эмас. Айниқса қон босими, юрак хасталиги бор дардлиларга тоғ ҳавоси ёқмаслиги кўпчилиikka аён. Иккинчи мисрада тиш оғриқдан кутилиш давоси омбир эканлиги тўғрисидаги ҳақиқат бор. Учинчи мисра дарахтнинг меваси бўлса тинч ўсиши, мевали дарахт кесилмаслигини таъкидлайди. Сўнгги икки мисра «Аёлдир эркакнинг орзу ҳаваси. Бир дардга қолмайин обкет чечамди» мантиқан дастлабки уч сатрнинг давоми ва ҳулосасидир. Аёл эрсиз қолса, мевали дарахтдай ўзгалар уни тинчлантирмайди.

Ёмон, исноти гап чиқмаслиги учун эр аёлни ўзи олиб юриши, назоратсиз қолдирмаслиги лозим. Тоғ ҳавоси қўп дардга шифо бўлгани ҳолда, айтилгандек, айрим касалларга ёқмайди, аёл садоқатни сақлайман деса ҳам кўнгли бузуқ ўзгалар уни йўлдан уришга интилиши ёки маломат гаплар билан ёмон отлиқ қилиш мумкин. Бу гап-сўзлардан кутилишнинг ягона йўли, ҳар ким қўшгани билан бирга бўлиши:

*Хотинни эркакка қўшган худойим,
Эркаги бўлгансан хотин мулойим,
Бир кеча айирма уни илойим,
Тогажон, етмасми шунча гунойим,
Тентак бўб қолмайин обкет чечамни.*

Қаҳрамон қанчалик ўтинмасин Аҳмад Сардор хотинини узоқ сафарга олиб кетмайди, балки ёш Ғуруғлига маслаҳат-ўғит бериб, қандай асраш зарурлигини уқтиради. Энди кекса тоға сўзларида катталарнинг ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан сабоқ мужассам:

*Ёмон ҳаёлларни бошдан учиргин,
Доно бўб аҳмоқнинг сўзин кечиргин,
Чечангни бузилса кўнгли ҳам ўйи,
Бир жойдан иккинчи жойга кўчиргин.*

*Дард берган худойим дармонин берсин,
Инсофи кетганни қўймайин олсин.*

*Кучганда хона торт бия устига,
Минганда бияси журтақи булсин.*

*Қимизни сўраса сувни келтиргин,
Новотни сўраса музни олдиргин,
Қупкан нон едирма зинҳор, Гурўгли,
Хамирни ийлатиб патиш едиргин,-*

Ва ҳақозо тарзда ўн икки бандда эрсиз қолаётган аёлни қандай гап-сўз бўлмай яшадини назорат қилиш йўл-йўриқлари баён қилинади.

Аҳмад Сардор сўзларининг яна бир характерли жиҳати шундаки, аёлдаги жинсий майл, истакни сундириш йўллари таъкидланади. Ўз-ўзидан аёнки, етти ёшли Гурўгли тоғаси билган бу йўл-йўриқлардан хабарсиз эди.

Достонларда бундай ҳаётий ахлоқий ўринлар жуда кўп. Қодир бахши иқтидорининг, ўзига хос талантининг бир қирраси яна шундаки, шеърый матнларнинг асосий қисмида дастлабки икки мисра, баъзан уч мисра панду насиҳат, яъни соф ахлоқий мавзуда ёки ҳаётий тажрибалар натижасида чиқарилган ҳикмати ҳукм тарзида бўлиб, сўнгги икки ёки бир мисра бевосита тасвирланаётган шахс ёхуд предмет тўғрисидадир. Масалан, Қамбар бобо Гурўглидан қимлигини (билиб туриб синаш учун) сўрар экан, дейди:

*Бир ҳунар йигитнинг бўлса одоби,
Ёмонга зеб бермас доно китоби,
Тарзингга қарасам фалак офтоби,
Зулматда ёруғим, сенга йўл бўлсин...*

*Кенг жаҳонни англамассан юрмассанг,
Ўзи келмас дуланани термассанг,
Ишим бўлмас эди салом бермассанг
Одобли қургоним, сенга йўл бўлсин.*

Бу ерда тасдиқ ҳам, қиёс ҳам, ҳунарни улуғлаш, дунёни кезиб яхши-ёмонни англашга чақирик, меҳнат машаққатларини чидам билан енгтиш заруриятини уқтириш ҳам,

одоблини шарафлаш ҳам мужассам. Борди-ю, бундай бандлардан дастлабки икки, гоҳо уч мисрани ажратиб олсак, ахлоқий мавзудаги қуйидаги каби ҳикмат дурдоналарига дуч келамиз.

*Кўп чумоли ҳар кимсани шоширар,
Ботмон донни олти товдан оширар,
Бир одамнинг ақли отча бўлади,
Кўп одамнинг ақли товча бўлади.*

*Меҳнат қилиб топган молинг мой бўлар,
Ўғирликнинг бир кун ҳоли вой бўлар.
Қиз боланинг аввал бўлсин ибоси,
Ибоси бўлмаснинг йўқдир зебоси.*

Биргина шу дoston матнидаги бундай пурмаъноли ҳикматлар беш юздан ошади. Албатта гап уларнинг сонидан эмас, балки ҳар бирида маълум бир турмуш тажрибасидан келиб чиққан ва ёшларга ибрат бўларли сабоқларнинг сингдирилганида ҳамда улар асар воқеалари руҳига мослашиб яхлитлик касб этганидадир.

Ўзбек халқ оғзаки ижодига хос усул-бадий параллелизмлар воситасида ҳикматлар ифодаланаётган воқеа, ҳодисага, эпик тасвирга қўшилиб кетади ва эмоционалликни оширади. Жумладан, қор ёққандан сўнг шамол турса, қорларни учириб чуқур жойларга, сойга тикиши аниқ воқеа. Буни ўқувчи кўз олдига келтира олади:

*Шамол турса учирар тов қорини,
Сойга тикар шу қорларнинг барини,
Давлатингди шилиб олар қизилбош,
Аямайди ёши билан қарини.*

Шамол сойга, жарликка ўрнашиб олган қорни ташқарига чиқариб соча олмайди. Аксинча, тепаликлардаги, чўққилардаги, текисликдаги қорларнинг барини учириб чуқурликларга киритади. Эпик юрт-Чамбилга (бошқа истаган жойга ҳам) бостириб келган душман-қизилбош

гўёки шамол. У шамол қорларни сойга тикқандек, элнинг ялиниши, кўз-ёшларига эътиборсиз, раҳмсизлик билан мол-мулкни шилиб, тўдалаб олиб кетади. Шамол қорни сойга, душман талаб олинган бойликни ўз оиласига, хонадонига тикади. Ушбу бандда дастлабки икки мисра бадийийликни, таъсирчанликни, эмоционалликни фалокатнинг даражасини, оқибатини намоён қилади, юзага чиқаради...

Аҳмад Сардорнинг юқоридаги гапига жавобан ёш қаҳрамон:

*Бир йўлбарсга мингта итинг тенг бўлмас,
Ноқирсга икки жаҳон кенг бўлмас,
Жондан қўрқмас ботир чиқса элингдан,
Туркманингнинг асло ҳоли танг бўлмас, -*

дейдики, яна ҳаммага маълум ҳақиқатни—ит йўлбарсга тенг бўлмаслигини, ноқирс (нокас) учун икки дунё ҳам торлигини таъкидлаб, душмандан сақланиш учун ҳар элнинг ботирлари, эл-юрт осойишталиги учун курашчи мардлари бўлиш лозимлигини уқтиради.

Хуллас, халқ одобномасининг бу каби теран мазмунли сермаъно ҳикматлари халқ инсонни тарбиялаш, камолга етказишга, ҳамиша диққат-эътиборда бўлганлигини кўрсатади. Уларда инсон аниқ халқона соддалик билан яхши ва ёмонга ажратилади. Сўнгра ҳамма хусусиятлар, ҳатти-ҳаракатлар, муносабатлар шу икки тушунча атрофида гуруҳлаштирилади. Натижада, фалсафа фанида уқтириб келинган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ҳосил бўлади. Халқ қадриятларида, унинг учун қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши деган ўта мураккаб, тушунилиши қийин таъриф ва талқин йўқ. Халқ учун яхшилик ва ёмонлик кураши бор. Яхшилик ва ёмонлик инсонларнинг бир-бирига муносабатидагина эмас, ҳайвонлар, қушлар дунёсидан оддийгина майсагача бўлган предметлар, нарсаларга муносабатда намоён бўлади. Бу ёруғ дунёда яшашдан мақсад шуки:

*Яхшилик зиёси юрсин юзингда,
Ёмонлик кулфати қолсин изингда.*

Юзи яхшидан тўнгилма, дейди. Халқ юзида яхшилик, нур балқиб турса, инсон бахтиёр, шодон яшайди. Яхшиларга ким ёмонлик, кулфат келтираман, зиён етказаман, деб чопса ҳам, изда (орқада) қолиб кетаверсин, ета олмасин.

Яхши инсонни, яъни эътиқодли, имонли, садоқатли, ўзгаларга ғамхўр, қахрамон йигитлар, мардона барно қизларни тарбиялаб етказиш муаммоси халқ қадриятлари, хусусан педагогикасининг асрий ва азалий мавзуси бўлиб, бу мавзу эпик асарларда ҳам атрофлича ёритилган.

ОНА ЮРТИНГ – ОЛТИН БЕШИГИНГ

Халқ она юртни ана шундай деб улуғлайди. Ватаннинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиб, уни севишга, ардоқлашга даъват этади.

*Булбуллар шайдодир богдаги гулга,
Жон берсанг арзийди тугилган элга,
Тилингдан тушмасин шодон қўшигинг,
Шу замин юртингдир олтин бешигинг,*

деб фарзанд улғайтирган аجدодларимиз ватанни юксак қадрлаган. Дарҳақиқат, она юрти олтин бешик. Биз ана шу олтин бешикда дунёга келамиз, биринчи бор оламни англаймиз, илк қадам ташлаймиз, ўсиб-улғайиб, вояга етамиз, эл-юрт хизматига бел боғлаймиз.

Ватанни севиш ибтидои оиладир. Чунки юрт, Ватан муҳаббати туғилган хонадонни қадрлашдан бошланади. Шу сабаб аввало ҳар ким ўзи туғилиб ўсаётган, ўсган уйга меҳр қўйиши, уни саранжом-саришта тутиши, обод қилиши лозим. Ўз уйга меҳр қўйган киши доимо уни қадрлайди, бир муддат узоқроққа кетиб қолса бағрига шошади. Ҳар кимга ўзининг уйи энг гўзал, осойишта, оромбахш кўринар экан, ўзгаларнинг ҳашамдор, зеб-зийнатли, салобатли уйидан кўра ўзининг кўримсиз, пастак кулбаси азиз туюлар экан, ана шу юрт туйғусининг бошланишидир. Халқ назарида Ватан-оила, киндик қон томган хонадондан, оила остонасидан бошланади. Кимки, ўз уйини, маҳалласини, қишлоғини эъозлашни билсагина Ватан муҳаббатини англайди. Бутун бир мамлакатни Ватаним деб, аслида унинг ҳеч қайси гўшасига меҳр қўймаган кишилардан ватанпарвар чиқмайди. Шу боис халқ ижодида дастлаб ўзи мансуб хонадонни, оила аъзоларини, ўз уруғини, маҳалласини, қишлоғини асраб-авайлаш, обод ва фаровон қилиш, фарзандларга шу туйғуни сингдириш илгари сурилади. Зеро, хонадони, хонадондагилар, маҳалласи ва маҳалладошлар, қишлоғи ва қишлоқдошлари, тумани ва тумандошлар бахти учун курашишдан Ватан учун, ватандошлар учун фидоийлик

туйғуси камол топади. Шу маънода бизнинг мураббийларимиз, тарбиячиларимиз, ўқитувчиларимиз ҳам болаларга Ватанни сев, ватанпарвар бўл, деб умумий гапларни уқтиришдан кўра халқона анъаналарга амал қилиб, аввал уларни ўз уйларини, маҳалларини, севишга, қадрлашга ўргатиш лозим. Зеро, ҳеч вақт олдин бир юрт-мамлакатга муҳаббат туйғуси вужудга сингдирилиб, кейин оила ва оилапарварликка ўргатилмайди. Биргина қаҳрамонлик эпосимиз «Алпомиш» достонини кўз олдимизга келтирайлик. Унда оила шаъни, ор-номуси, уруғ бирлиги ғояси етакчи ўринда туради. Шу бош ғоя заминиди юрт осойишталиги, ободлиги, тараққиёти ёритилиб, Ватанни севиш, эъозлаш намунаси кўрсатиладики, бу ҳақда алоҳида тўхталамиз. Ҳа она диёрнинг қадрига етиш, унинг камолоти, гуллаб-яшнаши, осойишталиги учун қайғуришни ёшликдан онгимизга сингдирилишида чуқур маъно бор. Чунки ҳар қандай инсон она-Ватани, ота-боболари ўтган муқаддас замин билан фахрланиб яшайди. Бу туйғу унга куч-қувват беради, ақл-идрок ато этади, жасоратларга чорлайди, мардликларга ундайди, инсондек яшаш, меҳнат қилиш, ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Ватанни севиш - бу она юртнинг равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ўзини қаҳрамонликларга тайёрлаб бориш демакдир. Ўзинг яшаб турган заминни эъозлаш, табиатини ва нафосатини сақлаш, унинг гўзаллигига гўзаллик қўшиш, одамларни сева билиш, аъло ўқиш, хушхулқ, хушсурат бўлиш демакдир. Ватанни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиб қадрлаш гўдаклик чоғимизданоқ она алласи билан қон-қонимизга сингади.

*Алла десам бор бўлган, аллаё-алла,
Менга номус-ор бўлгин, аллаё-алла,
Катта бўлган чоғингда, аллаё-алла,
Юртга вафодор бўлгин, аллаё-алла.*

*Тонг саҳарда уйқум бузиб, аллаё-алла,
Оқ сут бериб сени, боқай аллаё-алла,
Хизмат қилсанг юртинг кўриб, аллаё-алла,
Бошингга зардан тож тақай, аллаё-алла.*

*Катта бўлсанг болам, аллаё-алла,
Юрт қадрига етгин, аллаё-алла,
Хаётингни отангдек, аллаё-алла,
Мардлик билан битгин, аллаё-алла.*

Ўзбек халқ оғзаки ижодида бундай мисоллар жуда кўп учрайди. Шунини айтиш керакки, фольклорнинг катта-кичик жанрлари, яъни митти мақоллардан тортиб, йирик эпик асарлар қаҳрамонлик, ишқий, романик дostonларгача бош мавзу юртсеварлик мотивидир. Дарҳақиқат, Ватан йўлида фидойилик кўрсатиш фазилати ва халқ характери, у яратган баҳодирлар хатти-ҳаракатларида, фаолиятида алоҳида кўзга ташланади. Фольклорда таъкидланишича, бир сиқим муқаддас она тупроқ узок ўлкага отланган баҳодирни ҳатто шунқор учиб ўтолмайдиган тоғлардан, асов дарёлардан, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяр чўлу саҳролардан олиб ўтади, душманлар ҳамласидан сақлаб қолади, мақсадга етказди ва она юртига соғ-омон қайтаради.

Ўзбек халқ дostonларида она диёрнинг бебаҳо образи яратилганлиги уларнинг ғоявий мазмунини янада чуқурлаштирган. Эпос қаҳрамонлари учун она диёрдан ортиқ муқаддас жой йўқ, улар ўз юртлари, иштиёқида ёнадилар, Ватан деб, ўзларини ҳам ўтга, ҳам сувга мардона отадилар, азиз юртнинг бир қарич ери учун, бир сиқим тупроғи учун жон олиб, жон берадилар. Бу хусусият айниқса, «Алпомиш» ва «Гўрўгли» силсила дostonларида жуда кучли. Халқ баҳодир Гўрўгли тилидан:

*Юртга душман кўз олайтса,
Қараб турмас йигит марди, -дейди.*

Ёки:

*Юртини қўриди душман эллардан,
Ёвлар келса тайёр эди Гўрўгли.
Халққа душман Гўрўглининг душмани,
Уларни қийратар эди Гўрўгли.*

*Ўз вақтида ман-ман деган шоҳларни,
Ушлагандан отар эди Гўрўгли,
Элга ганим қўшин тортиб келганда,
Шунда жонин сотар эди Гўрўгли,*

дея эпик қаҳрамонни таърифлайди.

Бу парчадаги ғоя «Гүрүгли» туркумидаги дostonларнинг бутун моҳиятини белгилайди, дейиш мумкин. Уларда яратилган афсонавий Чамбил тимсолида кенг маънодаги диёр-юрт образининг ҳар томонлама мукамал яратилиши «Гүрүгли» эпосининг асосий мотивларидан бири юртсеварликни чуқур очишга қаратилгандир. Шу эпик юрт образи орқали бахшилар кишиларда ватанпарварлик, юртни чуқур сева олиш туйғуларини шакллантириб, уни тобора ривожлантирганлар. Қаҳҳор бахшидан биз ёзиб олган «Қирқ қасамёд» дostonида Гүрүгли тўплаган 40 йигит юртни ёвлардан асраш учун аҳд қилишиб қасам ичишади. қирқинчи йигит Соқибулбул дейди:

*Аслида мард йигит ичмас қасамни,
Ғанимат билади кўрган ҳар дамни,
Айтдими шер, сўздан қайтмайди эркак,
Шул боис мардона дейди одамни*

*Лекин биз мардона айлаб қасамёд,
Ватаннинг таянчин бир-бир қилдик ёд,
Қонунни аҳд билан маҳкам айладик,
Адолат, ҳақиқат яна бўлар шод.*

*Тогларни тик қилган унинг бели бор,
Одамни ҳур қилган ширин тили бор,
Гүрүгли элини сақлар ёғийдан,
Заминда бир сўзим, қайтмас эли бор.*

*Ватанни гуллатмоқ дононинг иши,
Эл билан баҳамдир кўрган таъвиши,
Шул боис Гүрүгли юртда элбеги,
Ҳар ишга етади элнинг бардоши.*

Чамбил халқ дostonларида умумлашма юрт образи бўлиб, унда меҳнаткаш халқнинг чуқур оптимизми, озод юртга бўлган умиди, турли мазҳаб кишилари аҳил-иноқ яшайдиган диёр ҳақидаги илғор ғоялар зўр мароқ билан

куйланади, бунинг замирида катта ҳаётӣй ва ижтимоӣй-фалсафӣй ғоя ётади. Фикримиз далили сифатида Қора баҳши Умировдан ёзиб олинган «Нурали ва Семург» достонидан олинган қуйидаги парчага эътиборингизни тортамиз. Бу парчада Гӯрӯғлининг невараси Нуралини душманлар юртидан воз кечишга ундаши ва ёш эпик қаҳрамоннинг жавоби акс этган:

*Маслагим дин берган, керакмас дининг,
Яратган кун берган, керакмас кунинг,
Худойим жон берган, керакмас жонинг,
Айтдим, сира қайтиб олмасман сўзим.*

Алқисса подшо Нуралидан бу сўзларни эшитиб: «Жаллод!» -деб бақирди, мирғазабларни чақирди. «Мана бу кўрнамакни қўлтиғидан дорга иласан, аввал омбирлаб баданидаги гўшини юласан, кейин навбатдаги жазога ўтасан, беш юз мерганни шинакка қўйиб ўққа тутасан, суяги ҳам ерга тушмасин, дор устида титасан»-деб буйруқ берди. Мирғазаблар Нуралининг кўзу қўлини бойлаб, бошига камчи тайлаб, пиёда дорнинг остига ҳайдаб борди. Дор остида Нуралининг кўзини ечди. Нурали: «Агар ғиротим Чамбилга эсон-омон борга бўлса, изимдан отам йўқлаб келмадимикан?»-деб атроф-бошга охирги умид билан назар солиб қаради, лекин ҳеч кимни кўрмади. Жаллодлар Нуралининг қўлтиғи остидан арқонни солиб, шориллатиб арқоннинг иккинчи учини тортди, Нурали муаллақ бўлиб кўтарилиб кетди. Шунда Нуралининг кўнгли бузилиб, ўпка-боври эзилиб, кўзидан ёши тизилиб: «Вой аттанг-а, охир-оқибатим мозорсиз, бедарак кетадиган бўлдим-да»-деб, дор устида ўлимининг охирги дақиқаларида хили-хиштини ёд олиб, «Алвидо» -деб турган жойи:

*Сундуз тогинг бордир дўлана богли,
Қирқ йигитинг бари олтин садогли,
Фарзандсизликдан юрак-бовринг догли,
Бунда боланг ҳоли кечар не чогли,
Алвидо қол, бобом султон Гӯрӯғли,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим.*

Бевақт эриди-да товларнинг қори,
Кимга етар эркангнинг айтган зори,
Бормадима султон бобом тулпори,
Етмадима Нуралининг хабари,

Алвидо момом Юнус, Мисқол пари,
Сен қанотдан, мен банотдан айрилдим.
Олисда қолди ўйнаб ўсган макон,
Яна қайтиб кўрар кунлар бормикан,

Дор устида қотилди-да қирмиз қон,
Тандан кетар бўлди, аттанг ширин жон,
Алвидо, қол отам, шунқор Авазхон,
Сен боладан, мен отадан айрилдим.

Аттанг қолди, от майдонда сурганим,
Бирга-бирга қўл ушлашиб юрганим,
Тонг саҳарда уйқусидан турганим,
Аллалаб бешик тебратган қўргоним,
Алвидо, дўланиб оқ сут берганим,
Сен қўзингдан, мен тузингдан айрилдим.

Ширин жоним танда топмади ором,
Қолиб кетди туркман элда кенг ўрам,
Тепа сочинг майда ўрсанг ўн бўрам,
Зарчаманда бадавлатли, бокарам,
Алвидо қол, Гулинорим, ширхўрам,
Сен укадан, мен опадан айрилдим...

... Қолди энди, Асқар, Сундуз тоғларим,
Хазон бўлди бунда ёшлик чоғларим,
Юрагимда кетди армон, доғларим,
Арк устида ҳилпираган тугларим,
Алвидо, қол ўйнаб ўсган боғларим,
Сен боғбондан, мен боғимдан айрилдим.

Қирмиз қоним ҳар томонга таралар,
Душман бугун номус билан ор олар,
Тандан бошим арра билан арралар,

*Бу ўлимга йўқдир энди чоралар,
Алвидо қол, ўйаб ўсган жўралар,
Сен тўрадан, мен жўрадан айрилдим.*

*Товда қолди буктар-буктар қорларим,
Қаторда қолди тиркалган норларим,
Гумон бўлди яна қайтиб борарим,
Дор остида қуриб борар мадорим,
Алвидо қол кишнаб турган, тулпорим,
Сен эгангдан, мен молимдан айрилдим.*

*Учқур эдим қанотимдан қайрилдим,
Тулпор эдим туёғимдан тойрилдим,
Суякларим қирсиллайди жийрилдим,
Суяк гўштдан, гўшт суякдан сийрилдим,
Алвидо қол, урчуқдайин ийрилдим,
Сен Нурхондан, мен оламдан айрилдим.*

Бу-ўзга юртда қолиб, яъни ўз Ватанига, элу халқига, оиласига хоинлик қилишни истамаган ўспирин йигитнинг нидоси, дил видоси. Сотқинлик қилиб тирик қолишдан ўлимни афзал кўрган бир сўзли, қатъиятли, саботли, иродали, мард юртсеварнинг ўз яқинлари, қариндош-уруғлари, ошна-оғайнилари, ҳатто она табиати видолашуви акс этган бу аламли, дардли мисраларда.

Умумўзбек дostonчилигининг ажралмас бир қисми бўлган Қашқадарё-Сурхондарё ҳудудида ёзиб олинган кўплаб дostonлардаги асосий қаҳрамонлар Гўрўгли, Аваз, Нурали, Кунтуғмиш, Ширин билан Шакар, Жаҳонгир, Шерали ва бошқалар аввало юрт ва эл бахт-саодати учун собит курашчилардир. Уларнинг барчаси ҳақида фикр юритишнинг имкони йўқлигидан, биргина Қора баҳши Умировдан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonида юрт, Ватан туйғусининг ёритилишга бир оз эътибор қаратишни лозим топдик.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларининг номус-ориға, чуқур эҳтиромиға, инсоннинг шахсий виждониға, бурчға ва ўз-ўзиға содиқликка бориб тақалади.

И. Каримов.

Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» миллий ва умуминсоний қадриятларни, ғояларни юксак бадиият билан ифодалагани боис узоқ асрлардан буён аждодлардан авлодларга ўтиб, севиб ижро этиб келинмоқда. Достонда ифодаланган юксак ғоялардан бири ва асосийси оилаға муҳаббат, оила тинчлиги, осойишталиги, бирлигини, мустаҳкамлигини таъминлаш ва оила фаравонлиги орқали уруғнинг иттифоқлигига эришмоқдир. Асарда ватан тушунчаси оила тушунчасидан, элни кадрлаш туйғуси оила аъзоларини эъзозлашдан бошланиши ишонарли далиллар, инсоний руҳий туйғулар асосида кўрсатилади. Президентимиз таъкидлаганидек: «Алпомиш» достони бизға инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишға, ўз юртимизни, оиламизни кўриқлашға, дўсти ёримизни, ор-номусимизни ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишға ўргатади».

«Алпомиш» достонида оиладан, уруғдан ажралиш ватандан, элидан айрилиш эканлиги, бу жудоликнинг келтирган азоб-уқубатлари, кулфатлари чуқур руҳий ҳолатларда ўз аксини топганки, биз буни Қора бахши Умировдан ёзиб олинган вариант асосида изоҳлашға ҳаракат қиламиз.

«Алпомиш» достонининг Жанубий Ўзбекистон бахшилари, хусусан, Қора бахши вариантида Бойбўри ва Бойсари орасидаги низо закот орқали чиқмайди. Зеро, закот ислом кириб келгандан сўнг достон воқеаларига киритилгани кўплаб тадқиқотчилар томонидан эътироф

этилган ва бу ҳозиргача «Алпомиш» нисбатан мукаммал ва баъдий юксак намунаси деб аталган Фозил шоир вариантида ҳам ўз аксини топган. Қашқадарё-Сурхондарё бахшилари қуйлаган вариантда ака-укалар орасидаги зиддиятнинг бошловчилари икки оиланинг бошқа-бошқа аъзолари. Яъни аёллар, Бойбўрининг хотини Кунтуғмишойим ва Бойсарининг хотини Олтиной. Бу икки овсин дастлаб қий масаласида жанжаллашса, иккинчи марта болаларнинг Ҳакимбек ва Қалдирғочнинг орасига кириб урушишади. Ҳар икки ҳолда жанжални Олтиной чиқаради. Айни вақтда эри Бойсарини акаси ва янгасига қарши қўяди.

Аёллар ҳақида беҳуда «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, Қора ер қиладиган ҳам хотин» дейилмаган. Улар астойдил аҳд қилишганда ҳар қандай эркакни ўз йўлига юритган. «Алпомиш» достонидаги Олтиной образи худди шундай эрга истаган усулда таъсирини ўтказувчи аёллар тимсоли. У ўз ҳолини билмаслик, ўзгани кўра олмаслик, эътиқодсизлик ва ишонтириш қобилиятига кўра тилғмалик, ёлғончилик, ифво-ю бухтон орқали эрини измига юритади. Худди шу ҳасадгўйлик таъсирида ўзини йўқотиб, хотинга ишонишини ҳам ишонмасликни ҳам билмай икки ўт орасида турган Бойсари ҳузурига Бойбўрининг элчилари закот сўраб боради. Бу унинг сабр-бардошини тугатади. Хотиннинг унга айтган миш-мишлари ростдек туюлади. «Акамни худо урибди, ихтиёрни ўғлига берибди, хотинининг гапига кирибди, улсизлигимни билибди, шунинг учун закот қилибди», -деган гумонга борган Бойсари:

*Миннат қилди акам улу қизини,
Амал қилди хотинининг сўзини,
Ҳурмат қилинг мен нотовон тузини,
Қайга урсин Бойсарибой ўзини,
Маслаҳат бер ўн минг уйли қариндош,*

деб, элига маслаҳат солганда, Фозил шоир вариантидагидек дастлаб Ёртибой оқсоқол маслаҳат бера олмаслигини, нимани маъқул кўрса шуни бажариши лозимлигини айтади. У мансабдорлар, пулдорлар қаршисида тўғри гапни,

адолатли фикрни, рост сўзни айтишдан ожиз, хушомадгўй ва ночор кимса сифатида Бойсарининг фикрини маъқуллайди:

*Нима десанг айтганингни тутамиз,
Молни ҳайдаб тоғу тошдан ўтамиз,
Насиб бўлса қалмоқ элга етамиз,
Қимиз ичиб маза қилиб ётамиз,
Закот дебди, Бойбўрини нетамиз,
Юртни қўрнамакка тайлаб кетамиз.*

Аммо, халқ орасидан сайланган барча оқсоқоллар ҳамиша Ёртибой оқсоқолдек ўйловсиз, тил ёғлама, юрт ишқидан, эл дардидан бегона кишилар эмас. Улар орасида мард ва танти, ўзининг одил сўзини ҳамма вақт ҳеч ким ва ҳеч нарсадан қўрқмай айтадиганлари, адашган, хато қилган бошлиқларини ҳам йўлга ундайдиганлари бўлган. «Алпомиш» достонининг Қора бахши куйлаган вариантыда ана шундай кўпни кўрган, яхши-ёмонни билган ақлли, доно Зоқирбой образи учрайди. У Ёртибой фикрларига қарши чиқади, ўзга юртга кўчишни ихтиёр қилган Бойсарини йўлдан қайтаришга интилади. Донишманд, фикр-мулоҳазали, ҳаётдаги машаққатлар, азоб-уқубатларни бошдан кечириб катта тажриба тўплаган оқсоқол сифатида Бойсарига ҳам, бузғунчи Ёртибойга ҳам ётиғи билан тушунтиришга интилади: «Ҳой, нега халқни бузаётибсан, Ёртибой айёр, қаерда сенга яйлов тайёр, ўзингку ўласи айёр. Закот дебди, Бойбўри ҳақ, чангга ботибди устингди қоқ, гапимга қулоқ солиб берман бок, сўзимнинг мағзини чақ»-деб турган ери:

*Тулпор отлар қолишмайди жуйруқдан,
Қўрқмагинда закот деган буйруқдан,
Олисдаги бетайинли қуйруқдан,
Яқиндаги есанг ўпка яхишироқ.*

Ҳаётда кўп воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган, билган, оқ-Қорани таниган оқсоқол гапни узоқдан, халқнинг минг йиллик тажрибасида синалган мақол билан бошлайди.

Дастлабки сатр фақат ҳайвон ҳақида эмас, балки йигитнинг доимий йўлдоши оддий отмас, тулпор бўлса унинг иши ҳимиша ўнг келгани, тулпор от отларнинг зўри, камёби бўлган каби сен ҳам уруғнинг зўри, етакчиси, учқури дейилган далда, эътироф бор. Тулпор от ҳеч қайси ғойадан, улоқдан, кўпқаридан, узок йўлдан қайтмаслиги, чўчимаслиги сингари сен ҳам мард бўл кечиримли бўл, биргина закот сўздан аччиғланиб, хафа бўлиб, орланиб, акангни, элингни, юртингни, киндик қонинг тўкилган азиз маконни ташлаб кетма демоқчи. Чунки халқ айтганки, узокдаги куйрукдан яқиндаги ўпка яхшироқ. Айни дамда Зокирбой ўз фикрларини янада тушунарли, аник, маънодор, далиллар асосида уқтира боради:

*Сийлаб минсанг сурувдаги пироқдан,
Етказади сабил яқин йироқдан
Олисдаги ярқираган чироқдан,
Уйга тушган ой шуъласи яхшироқ.*

Отлар кўп, аммо гап тўдадаги ҳадсиз отлар орасидан чопқирини танлай олишда. Бунинг учун отларни фарқлай билиш малакасига эга бўлмоқ лозим. Ўшанда от эгасининг узоғини яқин, мушкулини осон қилади. Дастлабки фикрга ҳамоҳанг ҳолда иккинчи ўғит уқтирилади. Яъни олисдан кўринган чироқ ёғдули кўриниши мумкин. Бироқ унга беҳуда интилиб, ёғдусидан умид қилиб, уйга шуъла сочиб турган ойни унутиш, ой шуъласини назарга илмаслик, қадрламаслик ақлдан эмас.

Учинчи банд дунёнинг ўткинчилиги, ўткинчи умрда гоҳ шон-шуҳрат, гоҳ бойлигу мансаб излаб, бир бор бериладиган азиз умрни ўзгаларнинг миннатли сўзи, миннатли тузи билан ўтказиш инсон шаънига тўғри келмаслигидан баҳс бошлайди-да, асосий фикрга ўтилади:

*Дунё ўтар, талашманглар сиз-биздан,
Сира еманг миннатли бўлган туздан,
Дигар юртда айтилан катта сўздан,
Ўз уйингда индамасанг яхшироқ*

Асосий фикр эса ҳар кимга ўз уйининг, демакки, ўз юртининг, Ватанининг азизлиги, табарруклиги, қадрдонлигини таъкидлашдир. қанчалик гапиришни, катта кетиб сўз билан манманлик қилишни истаб, бошқа юртда мақтанганинг фойдаси йўқ. Сенинг баландпарвоз, оғиз тўлдириб айтган сўзларингга бегона юртда эътибор бермайди. Ундан кўра ўз уйингда жимгина, индамай турсанг ҳам тушунади, фикрингни англайди.

Сўнгги мисрада «Ўз уйингда индамасанг яхшироқ» дейилиши билан ўйла, фикр қил, ўзгалар гапига кулоқ сол, акангининг сўзидан ҳам нотўғри хулоса чиқарма, кетишга ўзгаларни ундама ва ўзинг ҳам бу ўйдан қайт демоқчи. Агар жимгина фикр қилиб, тўғри йўлни танлай олмасанг, бошқаларга кулоқ тут, юртдан айрилиқ нималигини эшит, билиб ол, деган ўғитни уқтиради Зокирбой:

*Юрт қадрини сўранг ғариб бўлгандан,
Эл қадрини сўранг йиглаб тургандан,
Оша юртда подшо бўлиб юргандан,
Ўз элингда гадо бўлган яхшироқ.*

Бахши маҳорати шундаки, ҳар бир сатрни, ундаги ҳар бир фикрни халқона хулосаларда, содда, аммо маънодор ифодалай олади. Ҳали юртдан чиқиб кетмаган, аммо уни тарк этишга бел боғлаган қаҳрамонни азму қароридан қайтариш учун интилар экан, минг бор ҳаётий тажрибалардан ўтган далилларни келтиради. Юрт қадрини ғариб бўлгандан, эл қадрини унинг соғинчи, меҳрини излаб кўз ёш тўкканлардан сўраб кўрмоқ лозим. Ахир халқ беҳудага «Мусофир бўлмай мусулмон бўлмас» ёхуд «Ўзга юртда подшо бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл», - демаган. Сабаби:

*Бошқа юртда очилмайди гулгунча,
Сарсон бўлар юртга қайтиб келгунча,
Миннат бўлиб қанду асал егунча,
Уйингдаги қаттиқ нопинг яхшироқ.*

Тўғри маънода тушунсак, гулгунча ҳамма жойда очилаверади. Аммо бахши ўсимлик-гул ҳақида, унинг гунча очиши тўғрисидаги оддий ҳақиқатни такрорламоқчи эмас. Сўзнинг ботиний маъносида, чуқур гуманистик фикр бор мисрада. Яъни бегона юртда орзу-умидларинг рўёбга чиқмайди, уларнинг ушалишига, амалга ошишига имкон йўқ дейилмоқчи. Чунки мусофир бўлиб юрган одам яқинлар, дўстёрлар меҳри- муҳаббатини тополмайди, ўша замин (жой)нинг шарт-шароити, қонун-қоидаларини билмайди. Албатта орзу-умид амалга ошмагач, нияти ушалмагач, ўз юртига қайтади. Бироқ қайтгунча ҳам беҳад азоб-укубатлар, сарсонгарчиликларга дучор бўлади. Борди-ю, ўзга элда қолиб, қанду асал еганда ҳам уйдаги бир бўлак қотган нон тановул қилганчалик лаззат ололмайди. Чунки бегоналар берган қанду асали миннатли. Миннатли таом еса-заҳардан ёмон. Халқимиз миннатни ёмон кўради, миннатли ошни ҳам, ишни ҳам ёқтирмайди.

Миннатли ошдан беминнат мушт яхши, деб билган аждодларимиз ҳамиша авлодларини миннатдан узоқ юришга чақирган ва ҳамон шунга даъват этиб келмоқда.

Бегоналарнинг неъмат тўла дастурхонидан, ўзининг меҳнатда тошган қаттиқ нонини афзал кўрган, ориятли, оқибатли, меҳр-шафқатли халқ назарида мардлик ҳамиша шараф, яхшилик юксак инсоний фазилат, ўзи туғилиб ўсган замин тупроғи азиз ва муқаддас.

*Той талашманг асло номард шерикдан,
Яхшиликни кутманг кўнгли ирикдан,
Ғариб бўлиб мазори йўқ тирикдан,
Ўз юртингда ўлган ўлик яхшироқ.*

Номард шерик ҳар ишда номардлик қилаверади, ундан мардлик кутиш фойдасиз. Кўнгли, нияти бузуқ одам ҳам ҳеч вақт ўзгаларга яхшилик қилмайди. Асли номард ва кўнгли бузуқ кимсаларни тўғри, адолатли йўлга олиб киришнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Худди шундай, ғариб, яъни мусофир киши ҳаётининг сўнгини, жон ришталарининг узилишини ҳам ўйлаб кўриши даркор. Мусофирликда ўлса,

кимлар уни сўнгги маконга-қабрга қўяди, қайси қабрга қўяди? Ахир ҳар қабиланинг, ҳар уруғнинг ўз қабристонини бўлиб, унга қадимда бегоналар қўйилмаганини ёдга олсак, халқнинг фикрини чуқурроқ англаймиз. Хўп тирикчилигингку бир бало қилиб ўтар, бироқ ўлганингда, танангга бир сиким тупроқ насиб этадиган жойни қаердан топасан, ақалли сўнгги кунингги ўйлаб қўчиш ниятидан, юртдан воз кечиш фикридан қайт, дейди оқсоқол.

*Ғариб қуллар зор йиғлайди куйгандан,
Биров фарзандини қучиб суйгандан,
Қалмоқ бориб нўгай этик кийгандан,
Бунда қолиб чориқ кийган яхшироқ,
Ғариб бўлиб, кўзни ёшлаб тургунча,
Еган ошга заҳар солиб бергунча,
Кашал бориб мусофир бўб юргунча,
Бунда қолиб закот берган яхшироқ.*

Инсон туғишганлари, қариндош-уруғлари, дўст-ёрлари орасида яшагандагина бахтли бўлади, мусофирлик, ўз юртидан ва элидан жудалик азоб-уқубат, ҳад-ҳисобсиз ғам-кулфат келтиради, деган ҳаётий ҳақиқат юқоридаги тўртликларда ўзининг бадий ифодасини топган. Достоннинг дастлабки саҳифаларида баён этилган ўз юрти, элидан чиқиб кетган кишининг боши қайғу-аламдан, чиқмаслиги ҳақида панду ўғитлар ўжар ва қайсар Бойсарига асло таъсир қилмайди. Ҳатто Бойсарининг қўчишини қизи Барчин ҳам:

*Хит билибди бой бобомнинг сўзини,
Ҳурмат қилмай қўнгиротнинг тузини,
Қалмоқ бориб кейин билар ўзини,
Бой отамга нима бўлди, энажон?*

*Той талашга қўяр бўлди қизини.
Бунда турмай қалмоқ элга борарсан,
Қалмоқлардан кўп зулми кўрарсан,
Ана шунда эл қадрини биларсан.*

*Унда бориб ёлғиз қиздан айрилиб,
Бориб сўнгра кўп пушаймон буларсан,*

лея маъқулламайди. Аччиқ келса ақл кетар деганларидек, танибланган Бойсари ёш кизи англаб етган ҳақиқатни ҳам тушунишни истамайди. На кексанинг, на ёшнинг сўзига кулоқ тутади. Балки ўз билганинигина ҳақиқат деб, ун минг уйли кўнғиротни эргаштириб қалмоқ юртига йўл олади. Аммо ўз юрти худуди чегарасидан чиқиб, ўзга юртга қадам қўйгандан кулфатларга дуч келади. Дастлаб деҳқончиликдан бешабар, ҳали дон нималигини билмаган чорвадор халқ қалмоқ даласидаги экинни ҳад-ҳисобсиз молларига ўт деб едириб юборгач, эркинлик истаб, хоҳлаганига, ҳеч кимга қарам бўлмай ўзича яшашни истаб, осмондаги ойни ахтариб келган Бойсарибойнинг қўли боғланди, дили доғланди, азиз тани калтаклардан шилинди, юрт қадри билинди, зор-зор тўкиб ёшини Тойчахонга эгиб мағрур бошини ялинди, ёлворди ва шу ҳудудда жойлашиб олди.

Ҳали Бойсаранинг юрагида орияти кучли эди. У дастлабки зарбадан кўрқиб чекинса, субутсиз бўлиб қоларда. Шу боис миллатга хос туйғу орият, номус деб ўша юртда қолди. Борди-ю хўрлашлар, калтаклашлар, ҳақоратларга чидамай қайтса, қолган қариндош-уруғ уни масҳара қиларди. У кесатиклар, камситишлар, маломатлардан кўра мусофирликдаги азобларни афзал кўрди. Аммо бу фақат Бойсарига эмас, балки унинг оиласига, якка-ю ягона, тилаб олган қизига, яқинларига ҳам озор етказди, кулфат келтирди. Бироқ у буни ўша қайсарлик, ўжарлик билан тушунмади эмас, тушунишни истамади, бемаъни ғурурга тиз чўкди ва Алпомиш тўқсон алпни енгиб Барчинни олиб қайтаётганда ҳам қўшилиб қайтмади. Чунки унга юртдан, элдан жудолик оқибатлари нимага олиб келиши аввалдан айтилган, тушунтирилган, бироқ кулоқ солмаган эди. У шуларнинг барчасига рози бўлиб, доно фикрларни инобатга олмай ватандан, қариндош уруғдан воз кечгани учун бегона элди ҳар қандай огир ҳолатда яшашга мажбур бўлиб қолди.

Худди шундан кейин етти ўғилдан айрилган Сурхайл мастон сўзларига, макрига ишонган Тойчахон Бойсарини, у қанчалик қалмоқ элига шоҳига ишонмасин, эътиқод қўймасин, йўқотиш пайига тушди. Акага закот сифатида бир улоқни беришга орланган ва ғайри юртда ўз имон-эътиқодим бўйига эркин яшайман деб ўйлаган Бойсари илк марта:

*Ахмоқ бўлиб чиқибмиз элдан,
Адашдимда юрган йўлдан,*

деган хулосага келиб пушаймон қилди. Ўша илк хатосидан-юртдан чиқиб кетишдан сўнгги чеккан азоб, алам ва ситамларини ёдлаб, «Йўлдан чиқсанг ҳам элдан чиқма... Хар ким элида, ўрдак кўлида» каби нақллар маъносини англаб, юрт соғинчи, элдан жудолик инсон руҳиятига нақадар таъсир этишини англади.

*Кексайибди энди ёшим,
Садқа бўлай қариндошим,
Қулоқ солгин тенги-тўшим,
Чаппа айлангандир бошим,
Бойсарига берсин ўлим,
Шунқор тегиб синди белим,
Саргайгандир нурли юзим,
Энди ўйилсинда кўзим,
Элдан айрилганман ўзим,
Бойсарига ўлим лозим.*

Мағрур ва қайсар Бойсарининг бундай хулосага келиши осон кечган эмас. Балки Сурхайлнинг иғволарига ишонган Тойчахон унинг «Тўқсон тўқай жилқи, тўқсон сурув қўй, қирқ миг туя, шунча биясини мусодара қилиб, ўзини жазолагандан» сўнг рўй берди.

*Эшитмади Бойсарининг зорини,
Қистирди-да бечоранинг шўрини,
Қириб олди манглайида борини,
Хатга олди бўта, туя, норини.
Билиб олди қалмоқларнинг ўчини,*

*Энди кўрди ғарибликнинг учини,
Ич тирнайди Бойсарининг ичини.*

Қалмоқлар Бойсарининг бор мол мулкини олиб ўз молига ўзини чўпон қилиб тайинлади.

*Аямайин бошга қанча тайлади,
Маҳкам қилиб икки қўлин бойлади.*

Душман кўп, Бойсари ёлғиз. Бир киши кўпга қарши нима қила олади? Энди Бойсари хатосини теранроқ англайди:

*Бир одамда, қўлдан нима келади,
Қолганига кўп пушаймон қилади.
Шунча давлатидан жудо бўлади,
Вой аттанг, деб калла тўлгаб жилади.*

*Аччиқланса бошга камчи чотади,
Қамчи тийса шўрлик аранг жўртади,
Ёлғизлиги сабил бекни ўртади,
Ғарибликда душман боврин йиртади.*

Бойсарига бошидаги бу азоб-уқубатлар, юртдан воз кечганнинг тақдири, қисмати нима бўлиши ҳали у ўз юртидан кетмай айтилган, уни хато аҳдидан, нотўғри йўлидан қайтаришга уриниш, ҳаракат бўлган эди. Аммо ўша пайтда тушунмас, аниқроғи тушунишни истамасди. Боқсаки, инсоннинг ўй-фикри, интилишлари бошқа-ю ҳаётнинг изми, қонун-қоидалари ўзгача. Бир вақтлар айтган сўзи тошни ёрган Бойсари билан ғарибликда ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳеч ким, ҳеч вақт у билан бугун ҳисоб-китоб қилмайди.

*Сузай деса, сузар кўли бўлмаса,
Сўзлай деса, сўзлар тили бўлмаса,
Йиглай деса, йиглар эли бўлмаса,
Йўқлай деса, севар ули бўлмаса.*

Кайгу-алам бор бўй-басти билан энди намоён бўлмокда. Сувда сузиш учун яралган қушнинг сузиши учун кўл бўлмаса, унинг ҳолини тасаввур қилинг. Бойсари шу аҳволда қуш яшаш омили сувдан маҳрум бўлгани мисол. Бойсари ўз еридан, юртидан айри. Айни вақтда инсон кўпчилик билан, кўпчиликка дарду қувончини баён қилиб, мулоқатда яшаши керак. Эпик қаҳрамоннинг тили бор, сўзлаши мумкин. Афсуски уни тинглайдиган, гамига шерик бўладиган, дардини эшитадиган, далда берадиган одам йўқ. Одам бирор тингловчи, ҳамдард бўлмаса ўз-ўзига сўзлай олмайди. Ўз-ўзига гапириб юрувчи киши эса соғ эмас. Худди шундай йиғлаш учун ҳам шу йиғини эшитадиган, йиғини тинглаб кўнгил сўрайдиган яқинлар бўлиши шарт. Эътибор беринг, тасодифан йиқилиб жони оғриган гўдак ҳам аввало атрофга қарайди, бир далда берувчи, раҳми келувчи кишини кўрса йиғлайди. Ҳеч кимни кўрмаса, жойидан туриб кетаверади, шафқат кутмайди. Шу бола аҳволдан Бойсарининг фарқи йўқ. Оғир руҳий ҳолатда инсонга ҳаётдаги камчиликлари, етишмовчиликлар кўриниб қайғуси ошаверади. Ана шундай қийналган дамда Бойсари навбатдаги армонини айтади, яъни «Йўқлай деса севар ули бўлмаса». Бу адоқсиз армон, халқимиз болажонлигининг бир боиси кексайганда, бошига кулфат тушганда ёлғиз қолмаслик, ўзига суянч, ҳамдард истаганликда ҳам. Фарзанд фақат ота номини олиб қолиб давом эттирувчи, наслнинг узлуксизлигини таъминловчигина эмас, балки кексайиб кучдан қолган ёхуд оғир кунда отага энг яқин кўмакчи, ишончли таянч, мушкулини осон қилувчи ҳомий ҳамдир. Ўзбек шунинг учун Аллоҳдан фарзанд сўрайди, жони жаҳонини бахш айлаб уни камолотга етказди. Сўраганда бир эмас, кўп фарзанд сўрайди, ўғил ҳам, қиз ҳам сўрайди. Чунки ҳар иккиси зарур. Ўғилнинг ўрни бор, қизлининг қадри борлиги учун унга ҳар иккисидан керак. Ҳаётда ҳар икки жинснинг ўз вазифалари, ота-онага зарур пайтда ўғилнинг ва қизнинг алоҳида ёрдами ҳам талаб қилинди. Фақат ўғил туғилган оилаларда кўпроқ она, қиз фарзандларгина бор оилада ота ғамга ботади, ташвишга тушади. Сўнгги кунларида, бош ёстикқа текканда бошини

суярга, бир томчи сув томизиб турарга бир марҳам ичкуяр йўклигидан азобда тўлғанади. Бойсари эса мусофир элда чексиз-чегарасиз хўрланишларга қолиб йўқлайдиган ўғли бўлмаганидан дили қон бўлиб надомат чекмоқда. Инсон эртаси нима бўлишини, бошига бахт ёхуд бахтсизлик келишини билмайди. Бу ҳолдан Бойсари ҳам бегона эмас. Шу сабабли ҳам Алпомиш Барчин қўйган тўрт шартни бажариб, уни олиб қайтаётганда, ўн минг уйли қўнғиротни ўз юртига биргаликда олиб кетмоқчи бўлиб илтимос қилган, ялиниб ёлворганда, ўзгалар ўтинчини эътиборга олмай, димоғдорлик ва манманлик билан шундай деган эди:

*Қариндошлар эшит менинг сўзимни,
Керак бўлса олиб кетгин қизимни,
Бориб ўз акамга таъна бўлгунча,
Қалмоқлар ўлдирсин майли ўзимни.*

Қариндош-уруғдан воз кечиб, яна аканинг таънасидан кўрқиб, қалмоқларнинг ўлдиришига ҳам тайёр туриб сўзлаётган Бойсари ҳали бошига не кулфатлар тушини ўйлаб кўрмаган, бирга келган уруғдошлари кетганда ёлғиз қолишини ҳис этмаган эди. У ҳали юртдан кетган бўлса-да, ёнида ўн минг уйли уруғи, эли, дардини эшитадиганлари бор эди. Уларнинг барчаси кетганда, Тойчахон зулми суяк-суягидан ўтгандагина юртдан ва элдан жудолик нималигини англаб етди, ўз хатосини тушунди.

Бундай ҳолатни жисман азоб чекиб, қийналиб, ўз молига ўзи чўпон бўлиб, хор-зор, сарсон-саргардон юрганда карвонларга йўлиқиш тасвирида кўриш мумкин. «Бойсари Сори савдогарнинг: «қўнғиротнинг ойинли уруғидан бўламан», -деганини эшитиб, чўлда етти кун сувсиз қолгандай лаби қотди, қўлидаги таёқни ирғитиб отди, қулоқ ёйиб Сорига етди, от жиловини маҳкам тутди, хаёли учиб, мазаси қочиб: «Кел, бир кўришайлик», деб қучоқ очиб, бир сўз айтиб турган экан:

*Ғариб бўлди бунда бошим,
Заҳар бўлди ичар ошим,*

*Қуримади кўздан ёшим,
Энди ўлсам армон йўқдир,
Кел кўришай, қариндошим.
Ўз элимда аҳмоқ бўлдим,
Ўз акамни душман билдим,
Араз уриб қалмоқ келдим,
Хазон бўлиб бунда сўлдим,
Ғариб бўлиб шунда қолдим.*

Бу—мусофирликда, туғилган юртдан, туғишганлардан, ўз элидан айри кетган инсоннинг чеккан сон-саноксиз азобларини ўз бошидан ўтказган Бойсарининг хатоларига иқрори. Қариндошлар бўлмаса-да, юртдоши, ўз элининг бир вакилини кўргандаги ҳаяжони, руҳий ҳолати. Сोगинч туйғуси ҳаддидан ошган, айрилиқ алами жону жаҳонини ёкқан, кўз ёшлари, ялиниш ёлворишу илтижолари бесамар кетган Бойсари нажот фақат ўз юртидан, юртдошлари, қариндош-уруғларидан бўлишини англаб етди. Шу сабабли Бойсари кетаётган қарвонларга хат ёзиб, ўзининг оғир аҳволини баён қилади, туғишганлардан ёрдам кутади. Ғарчи ҳали «ўз акамни душман билдим» деб хатосига иқрор бўлса ҳам, акасига ишониш, ундан мадат сўрашга ўзида куч, ирода топа олмайди. Ғурури ҳамон бунга йўл қўймаганидан хатни фақат қизи Ойбарчинга беришни тайинлайди. Қарвонлар келтирган хатни Барчиной ўқиб кўрсаки, отаси Бойсари:

*Қўйдан кетди сурув-сурув молим, дебди,
Кундан кунга кетаёттир сулим, дебди,
Энди билдим менга келди ўлим, дебди,
Ҳақим келсин, ҳам иним, ҳам улим, дебди.*

*Ғарибликда оёғимдан толдим, дебди,
Якка мазор бўлиб бунда ўлдим, дебди,
Ўз молимга ўзим чўпон бўлдим, дебди,
Алплар учун хундор бўлиб қолдим, дебди.*

*Яқинлашди менинг ўлар куним, дебди,
Ким олади қалмоқлардан хуним, дебди,
Лойга ботди, вой аттанг-а, таним, дебди,
Охирида етиб келсин иним, дебди.*

Кариндош-уруғчилик шундай чуқур илдиз отган, туркий халқлар, хусусан ўзбеклар меҳр-муҳаббат ришталари билан чамбарчас боғланганки, оила (ёхуд уруғ) аъзоларнинг бири чеккан озори, ташвиши барча яқинларни қайғуга солса, қувонч-шодликни ҳам барча баҳам кўришади. Халқимиз жуда қадимдан иттифоқ, ҳамдард, ҳамфикр бўлишган. Ҳеч вақт қайғу ҳам, шодлик ҳам, зафар ҳам, мағлубият ҳам фақат бир кишига тегишли бўлмаган ва ҳозир ҳам шундай. Шу маънавий бирлик Бойсарининг илк йўл қўйган хатоси, манманлиги, бемаъни гурури танҳо ўзига эмас, барча қариндош-уруққа ташвиш келтирди. Уни деб ўн минг уйли эл, ўзга юртга кўчиб бориб саргандончиликни бошдан кечирди. Ҳатто ёлғиз қизи Барчин ҳам азоб-уқубат чекди. Бойсунда қолган қариндошларининг ҳам бағри қон бўлди. Ўз гурурини енголмагани сабабли Бойсари яна ўз юртига қайтмай, бошига ҳадсиз кулфат ёғилганда туғишганларни тагин кўпдан-кўп ташвишга қолдирди. Амаки-қайнатани ёвдан қутқариб келишга отланган Алпомиш ёв қўлида етти йил зиндонбанд бўлиб қолди. Шу етти йилда Бойбўри, Кунтуғмишойим, Қалдирғоч, Барчин, Ёдгор чеккан ғам, жабр- ситам Бойсариникидан кам бўлмади. Ўз вақтида Зокирбой оқсоқолнинг:

*Қалмоқ бориб кунинг йиглаб ўтара,
Бегона қўл бул ёқангдан тутара,
Қачфаҳимлик қилмагинда, Бойсари,
Мусофирлик юрак-бовринг сўтара,*

деган доно сўзларини иккинчи бор ҳам ўйлаб кўрмаган Бойсари сўнгги етти йилда барча оила-аъзоларининг, ҳамма диёнатли, инсофли, имонли кишиларнинг ғам чекишига сабаб бўлди. Халқнинг «Бўлинганни бўри ер» мақоли Бойсарининг кўчиши мисолида яққол ифодасини топди. Узоқ айрилиқ азобларини бошдан кечириб, сабр ва бардош билан барчасини енгган, душман устидан ғолиб чиққан Алпомиш ниҳоят Бойсарини юртига олиб қайтади. Оқсув дарёга етганда Алпомишнинг ўзи ҳам ғамга тўлиб, алами зиёда бўлиб, шундан ўтса ўз юртига қадам қўйиш учун

шошиб, ақлидан адашиб, яқинлари дийдори ёдига тушиб
нола қилади.

*Аввал бошда зур бўлдим,
Қалмоқ элда хор бўлдим,
Ётган жойида тор бўлдим
Шўр сувингга зор бўлдим,
Йўл бергин, юртим ҳурмати.*

*Ана томон туман-туман,
Худойим берсинда даврон,
Етти йилда бермаган,
Бесойиб Бойсундай макон,
Йўл бер, Сулаймон ҳурмати.*

*Осмонимда тўлган ойим,
Қандай бўлди билмам жойим,
Етти йилдан бермаган,
Болам, дейди қиблагўйим,
Йўл бер, отамнинг ҳурмати,*

*Куйди найлай хону моним,
Юракда қолди армоним,
Болам, дейди йиглайди,
Оқ сут берган энажоним,
Йўл бер, энамнинг ҳурмати.*

*Авваласидан гул бўлган,
Эрдан қолиблар тул бўлган,
Етти йиллардан бермаган,
Оқ сийналари кул бўлган,
Йўл бер, Барчиннинг ҳурмати.*

*Ёшлигидан сагир бўлган,
Ёнган юрак-багир бўлган,
Отасини бир кўрмасдан,
Куз ёшлари тахир бўлган,
Йўл берган, болам ҳурмати.*

*Мардликлари шундай кунда билинди,
Қодир Аллоҳ ёлғизликни бил энди,
Нечовларнинг унка, гўши тилинди,
Болам, дейди йиглай берди Алпомиш.
Оқсув дарё икки томон бўлинди.*

Эпик қаҳрамоннинг юрт ишқи, қариндошлар меҳрини кумсаб қилган илтижосига оқар дарё ҳам тоқат қила олмай, бир зум тошқин сувини тўхтатиб ўтиб олишга имкон яратади. Инсоннинг оҳу ноласи табиатни ҳам лол қолдиради. Алпомиш ва ҳамроҳлари дарёдан ўтиб олгач, энди Алпомишнинг улар билан биргаликда шошмай юришга тоқати, сабр-бардоши қолмайди. Ҳар ким тезроқ юртга кириб боришга, қариндошлар дийдорини кўришга шошади. Учқур отга эга бўлган, ўз вазифасини бажариб Бойсарини олиб қайтган Алпомиш Бойсун ҳудудига қадам қўйгач, бошқаларга секин-аста бораверишни тайинлаб, бесабрлик билан отга қамчи чотади ва илгарилаб кетади.

Дарвоқе, у ўз қариндошлик бурчини шараф билан бажариб, қаҳрамонликлар кўрсатиб қайтаётгани, бўлинган уруғни қайта бирлаштиришдек муқаддас ишни уддалагани учун шошишга ҳақли. Барча уни шоду хурсандчилик билан қаршилашга ишонади. Бироқ Бойсари ҳақида бундай деб бўлмайди. Чунки Бойсари ўз юртини ўзи ташлаб, ўзга юртларни афзал кўриб кетган. Шунингдек, оила аъзолари, қариндош-уруғи тортган машаққатларда у ўзининг айбдорлигини ҳис этади. Айни дамда мусофирлик кулфатларини роса тортган. Шу сабабли ҳам у шоша олмайди. Чунки элдошлари қандай кутиб олишини, қандай муносабатда бўлишини ҳам билмайди. У Бойсун тупроғига қадам қўяр экан, юртнинг тупроғи, табиати, бахтиёр онлари кечган жойлар ишқи ҳаяжонга солади.

«Бойсари Бойсун элини кўриб, юраги ғалт уриб, динкаси қуриб, соқоли тўлғаб, лабини сўриб, отини суриб, Илонгаздан ошди, кўзи ялтираб ётган Кўлқамишга тушди. қилган ишидан пушаймон бўлиб, кенг яйловга от устида термулиб турган ери:

*Кенг яйловдир Кўлқамишнинг ўраси,
Ўсиб ётар янтоқ билан шўраси,
Чап томонда Туякамар қораси,
Ўнг томонда Кўзикамар қўраси,
Тиклаб-тиклаб бораётир тўраси.*

Одам узоқ вақт кўришни истаган нарсасига дуч келганда, соғиниб юрган кишига тўсатдан рўпару бўлиб қолганда термулиб, карахтланиб қолиши аниқ. Унинг тилига ҳаяжондан гап келмайди. Бахши шу руҳий ҳолатни Бойсари сиймосида бера олган. Яъни у гоҳ Туякамарга, гоҳ кўзикамарга термулади, кўзларига янтоқ билан шўрагина кўринади. Кўз кўраётган жойларга, ўсимликларга дамба-дам боқади. Йиллар, мусофирлик азоби вужудга ҳам таъсирини ўтказган. У ўзининг қадрдон юртида қушлар пағмаси, қўй-қўзилар маърашини, сувлар шилдирашининг овозини эшитмаётир. Чунки:

*Қалмоқ бориб қар бўлгандир қулоғи,
Шарқирайди Кўлқамишнинг булоғи,
Бузилмабди қўтонининг қалоғи,
Шу қўтонда ётар эди чўлоғи,
Кўз олдида кўринади ёронлар,
Тошдан тошга ўйнаб юрган улоғи.*

Ватан, юрт туйғусини, соғинчини нигоҳлар билан кўриб Бойсари қалби бир оз тинчланди. Азобларни ортда қолдириб, қайта кўриш мумкин бўлмагандек туюлган орзуга эришди. Энди шу муқаддас заминдаги яқинлари дийдорига тўйиш, меҳри-муҳаббатини ҳис этиш хаёлга келади. Ўйнаб ўсган жойлар кўз олдида намоён бўлгач, дилга қувонч бўлиб хотирада ўрнашган шодон дамлар, энг яқин кишилар ёдга тушади. Улар соғинчи қайта безовталиқни оширади.

*Нега озди билмас бекнинг амали,
Азоб берди гарибликнинг қамали,
Бетга урар ҳуриллаган шамоли.
Шунда тўлган Барчинойнинг жамоли,
Бойсарининг кўзларига кўринар,
Ёлғизининг пириллаган рўмоли.*

Бу оламда одамлар хато қилади. Бориға шукур қилмайди, имкондан ортиқ нарсаларни орзу қилиб, ҳавойи туйғуларга берилиб тўғри йўлдан адашади. Бойсари бой эди, бекдек яшаётган эди. Аммо ўйловсизлик, шошма-шошарлик туфайли амали озганини, тўғри йўлдан адашганини, нотўғри иш қилаётганини билмай қолди. Оқибатда ўзини ғариблик қамалига гирифтор қилди. Шамоли хуриллаб юзига уриб турган юртни ташлаб кетиб, шунча азоб чекди. Шукурки, бугун яна шу юрт тупроғини кўришга муяссар бўлиб турганда, ҳаётдаги қайғу-ю шодликларини ўйлаб, гоҳ ўкиниб, гоҳ қувониб турганда, дастлаб кўз ўнгида қизи гавдаланди. Ахир шу қизчани яратгандан тилаб олгунча қанча қайғурган бўлса, оталик шарафига муяссар бўлганда, чопқилаб, қўй-қўзилар билан ўйноқлаб юрганини кўрганда нақадар суюнган, кўзига бу ёруғ олам, нечоғлик сурурли туйилган эди. Барчинойнинг ойдай гўзал, йигитлардай алп, диёнатли, садоқатли, иболи, хаёли бўлиб етишуви шу заминда, отанинг кўз ўнгида рўй берганди. Шу ернинг тоза ҳавоси зилол сувлари, серҳосил замини, хур-хур шамоли қизига беқиёс ҳусн, ақл идрок ато этган. Шу боис аввало бошда рўмоли пириллаб учиб юрган қизча- Барчиной намоён бўлди. Дилда фарзанд меҳри жўш урган Бойсари рухияти янада чуқурроқ очила борди:

*Ўзга юртни сира қилма сен хумор,
Одамзодинг ахир бир кун кўз юмар,
Ўлган кунги ғарибликда ким кўмар,
Ўз юртингни қилсанг арзир кўз тумор.
Бойсари кўринади Бешкамар,
Кўзларида жимма-жимма ёш томар.*

Ҳали ўзи туғилиб ўсган элидан чиқиб кўрмаган, Бойсари узоқдаги қуйруқдан ўпканинг яхшилигини, одамзод ким бўлишидан қатъий назар сўнги кунга дуч келган дамда тупроққа фақат ичқуяр қариндошлар қўйишини ўйлаб кўрмаган сабабли Зокирбой оқсоқол сўзига, пандига кулоқ тутмаган эди. Мана орадан ўтган ўн йилдан ортиқ муддатда ҳаётнинг ўзи Бойсарини шу хулосага келтирди. Ҳаётдаги аччиқ сабоқлар ҳар ким ўз юртини кўз туморидек азиз билиши, кадрлаши лозимлигини кўрсатди. Маълумки, ёмон

ва ёвуз рухлардан сакланиш, хасталикларга чалинмаслик учун кўз тумор тақиш анъанаси бор. Тумор ўз эгасини бало-офатлардан асрагани каби юрт ҳам ўз фарзандини ғам-кулфатдан ҳимоя қилади. Ғарибликда ўлганини кўмадиган киши ҳам топилмаслиги, юрт меҳри-муҳаббатини чуқур англаш Бойсарини карахтликдан олиб чиқди. Дастлаб чорва яйловларини, Кулқамиш кўлини кўриб, юрти шамолини ҳис этиб, ҳавосидан нафас олиб, қизи ёдига тушиб, ўз ватанига келганидан карахт ҳолга тушиб қолган Бойсари «Юрт кўз тумор» эканлигини англагач. «Кўзларида жимма-жимма ёш оқа бошлади. У кўзда ёш билан ҳали йўлда давом этмокда:

*Бўлар экан бегонанинг озори,
Эсдан чиқмас гариб ўлмоқ ҳазари
Қизиқ бўлар ўз элининг бозори,
Шу ерларда от чоптирган гузари,
Кўринганда Оқтош ота мозори,
От устидан овдан бийнинг назари.*

Халқ назарида бозор ва мазор боғлиқ тушунча. Ҳар бир юртнинг ободлиги, фаровонлиги бозордаги тукин-сочинлик ва мазордаги ободончилик билан ўлчанган. Айни дамда бозор тирикчилик, яшаш манбаи бўлса, мазор у дунёдаги ҳаётга йўл оладиган сўниги макон. Шу сабабли уларнинг ҳар иккисини қадрлаш, ҳар иккисида диёнат, имон эътиқодли бўлиш лозим. Бойсарининг хаёлида ўз элининг ҳаёт, тириклик қайнаб турадиган, ғала-ғовур бозори жонланган бир пайтда назари улуғлар, ўз аجدодлари мангу макон топган мазорга тушди. Анъанага кўра қабристонлар ёнида уловда ўтиш мумкин эмас. Қабристон ўз уруғ-аждодига тегишли бўлса, бу талаб янада ошади. Шу сабабли у отдан тушиб, ўтганлар хотирасини ёдга олиб, яна чор атрофга назар солди:

*Кенг яйловда чўпонлари қўй боқар,
Насиб бўлса ўтлоқларга от қоқар,
Сира тўймай чор атрофга кўз боқар,
Энтикади хумор кўздан ёш оқар,*

*Отдан тушган, искаётир тупроқни,
Тупроқ иси Бойсарига хуш ёқар.*

Бир сиқим тупроққа етиш, уни ҳидлаб юрт ишқига муяссар бўлиш, ватан васлига эришиш Бойсари рухиятининг юқори нуқталаридан бири. Энди у узоқ-узоқларга назар ташлаб, юрти кенгликларининг илғашга қодир.

*Кўринади Кофруннинг беллари,
Турфа-турфа очилибди гуллари,
Ястанади қиру адир, чўллари,
Ўтга тўла ўнги билан сўллари,
Ялтирайди Кўлқамишнинг кўллари,
Тупроқ ушлаб дирдирайди қўллари.*

Хаяжонда илк бор юрти худудига кадам ташлаганда нигоҳи баландликларни, тепаликларни, тикон ва саксовулларни илғаган эди. Қўли бир сиқим тупроққа етиб, тупроқ ҳиди думоққа урганда юрт бор бўй-басти билан намоён бўла бошлади. Турфа очилган гуллар ҳам, қир, адиру чўллар, ўтга тўла яйловлару ялтираб мавжланаётган сувлар ҳам жамликда унинг онгу шууридан жой олиб, кўз ёшлари тўхтади. Ҳали хаяжон тамом тўхтаган эмас, тупроқ тутган қўллар дириллаб турибди. Эндиги хаяжон яқинлар билан кўришиш умидидан. Улар қандай кутиб олади, – деган ташвиш хаёлда. Ўзи қилган гуноҳ адл қомат, шодон кайфият билан қариндошлар олдига кириб боришга йўл бермаётир. Уят, андеша, пушаймонлик, тортиниш, узр сўраш кабилар исканжасида турган пайтда қайноғаси Холиёр элбеги унга кўмакка келади. Шу ўринда халқимизга хос раҳномалик, кечиримлилик, адашганни тўғри йўлга солиш, урушган-ларни яраштиришда доно кексалар далдаси, рағбати намоён бўлади:

*Айрилиқни кўрган киши жўн бўлмас,
Ошланмасдан билгин тери кун бўлмас,
Етар энди шунча қилган аразинг,
Енг, ёқасиз кийган билан тўн бўлмас.*

*Ўпка омон бўлса кетар какирик,
Оғиз меҳр бўлса гина тупирик,
Ака-ука буйтиб юриш макурук,
Кичик дарё бўлса катта кўпирик.*

*Кўп еганман, Бойсарибой, тузингни,
Катта тутма сен ҳам энди ўзингни,
Мусофирлик очмадима кўзингни,
Бориб кўргин Барчинойдай қизингни.*

Қора бахши Умировнинг ижодкорлиги, маҳорати аввало шундаки, у халқ дидактикасини яхши билади ва Холиёр элбеги тилидан шундай таъсирли, маънодор, бадий юксак тарзда берадики, қойил қолмай илож йўқ. Деярли ҳар бир сатр алоҳида бир ҳикмат, узоқ ҳаётӣй кузатишлардан чиқарилган хулоса, ҳукм. Элбеги Бойсарига тўғридан-тўғри аканг Бойбўри билан бориб кўриш, ярашиб ол, сен гуноҳкор эдинг ёки ука акадан хафа бўлмаслик лозим деётгани йўқ. Ана шу фикрни ўта донолик, топқирлик билан айтаётир. Сен демаяпти, балки учинчи шахсдаги одам, предмет, руҳият, ҳатти-ҳаракат орқали Бойсарининг кайфиятини, қилган хатоси, ундан чиқарилган хулоса ва энди нима қилмоқ тўғри, фойдали, қувончли бўлишини таъкидламоқда. Яъни, айрилиқни кўрган содда, тўпори, ишонувчан бўлмайд, терини ошлаб кун қилгандек мусофирлик уни ҳаётнинг аччиқ-чучуги, яхши ёмонини англашга мажбур қилган. Араз қилиб яшаш етарли бўлди, энди жипслашмоқ, бирлашмоқ лозим. Бирлик, яхлитлик, иттифоқлик тўндёк гап. Тўннинг тўн бўлиши учун енг ҳам, ёқа ҳам даркор. Биронтаси етишмаса ҳам тўн бўлмайд. Ака ёки ука аразласа иттифоқлик қочади ва бу эса қайғу-кулфатларга, азоб-укубатларга дучор қилади. Юқоридаги кичик парчадаги иккинчи тўртлик бахшининг ўзига хос топқирлиги, кузатувчанлиги, зукколиги, ижодкорлиги ифодаси. Биз дostonларда айнаи шундай қиёсларга кам дуч келамиз. Бир назар солсак жуда оддий, содда кўринган сўзларга фавқулодда катта маъно, йирик хулоса юкланади. Ҳар ким ҳам кекиради, аммо бу хасталик эмас. Ўпка соғ

оқан, кекирик ўтиб кетаверади, вужуд (тана)га зиён-заҳмат етказмайди. «Оғиз меҳр». Ундан яхши, эътиборли, таъсирчан, эъзозли, муҳаббатли сўзлар чиқади. Асл сўз сеҳрли қудратга эга. Оғиздаги тиш, тил ҳам инсоннинг янаши учун ниҳоятда зарур аъзолари. Оғиз яшаш омили ҳам, чунки моддий нозу неъматларни оғиз орқали тановул қиламиз ва шу оғиздаги аъзолар туфайли фикримизни баён этамиз. Бироқ шу муқаддас, ғоят зарур оғизда гоҳо тупурик ҳам йиғилиб қолади. Бундай пайтда тупирик оғизда сақлаб турилмайди, ютиб ҳам юборилмай-ди, балки ташқарига тупириб ташланади. У кераксиз, ҳаром суюқлик. Ҳеч ким ўз тупиригини ахтариб, ёдлаб ҳам юрмайди. Кишиларнинг, айниқса, яқинларнинг гинаси тупурикдир. Гина-қудратни тупирикни ирғитгандек ирғитиб, оғизни ҳалол, пок сақлаб қолган каби одамлар бир-бирини қадрлаши лозим. Зеро, тупирик ҳаром (макрук) бўлгани мисол ака-уканинг аразлаб юриши ҳам хато, нотўғридир. Ана шу макрук (нопок, ноўрин) фазилатдан ука дарёдек кечиримли, ака кўприкдек собит иродалилиқ билан қутулмоғи шарт. Холиёр элбеки ака-ука ўртасидаги низони доно ўғити билан тузатиш йўлини айтиб, ука қалбида меҳр-муҳаббат, хатоларидан пушаймонлиқ туйғусини ўйғотиб, дадиллиқ бахш этгач, дастлаб акадан-да яқин кишисини, Барчинойдай қизини бориб кўришини уқтиради.

Ана шу маслаҳатлардан сўнг Бойсари дилидаги иккиланишни, ҳадикни енгиб, қариндошлар ҳузурига йўл олади. Албатта. Унинг олдига ҳаммадан бурун югуриб чиққан, бағрига отилган қизи Барчиной. Узоқ изтироблардан сўнг тилаб олган якка-ю ягона қизи Бойсари кучоғида:

Улим йўқдир, қиз бўлсанг ҳам ул бўлдинг,

Қўлқамишдай рўзгоримда қўл бўлдинг,

Отанг ўлмай ўз элингда қўл бўлдинг,

Отанг бўлмай мен ўлайин, жигарим,

Мени учун етти йиллаб тўл бўлдинг.

Ота-бола бир нас келмай ҳушига,

Ёқалари ҳўл бўб оққан ёшига,

*Ҳамма йиглар икковининг ишига,
Кузин юмиб эркаланиб Барчиной,
Бошин қўйди отасининг тўшига.*

Ота-бола кўришиб, ҳол сўрашиб олишгач, навбат ўн тўрт йил бурун бир гап билан ажралиб кетган, шу муддатда бир-биридан гина қилиб юрса-да, меҳрларига зор бўлган ака-укага етди.

*Чопишганда қолмас эди тозидан,
Ихтиёри кетган энди ўзидан,
Алпон келиб гувор кетди кўзидан,
Туядайн лўкиллайди Бойбўри,
Келаётир келинининг изидан.*

*Буктарилган товлар боши қояди,
Хаво ёгса нор туялар тояди,
Ўтган гиналарни энди қўяди,
Ога-ини келаётир бетма-бет,
Бир-бирига қараб қучоқ ёяди.*

Бойсарининг қариндош-уруғ, ўз элдошлари билан топишуви, Алпомишнинг Ултонтозни мағлуб этиши билан дoston воқеалари ниҳоясига етади. Аммо шунини таъкидлаш лозимки, асар воқеалари ривожда ва ечимида, конфликтнинг юзага келиши ва ҳал бўлишида Бойсари асосий ўрин эгаллайди. Қора бахшидан ёзиб олинган «Алпомиш» достонида Бойсари образи бошқа айрим вариантлардагидек «унутилмайди», балки доимо эътиборда, ҳал этувчи ўринда туради. Унинг мисолида ўжарлик, ўйловсизлик, манманлик инсонни қандай азобларга олиб келиши, ўзигагина эмас, қариндош-уруғи, элдошларини ҳам нечоғлик ташвишга дучор қилиши кўрсатилади. Она юртдан, элдан айрилиқ азоблари ва юртнинг муқаддаслиги, бебаҳолиги халқнинг азизлиги Бойсари образида изчил ёритиладики, бу ҳам Қора бахши Умировнинг маҳоратли, талантли бахши эканлигига далилдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. Абдуллаев М, Хусанбоев М. Маънавият. – Фарғона, 1999.
5. Абдурахимов А. Саодатга элтувчи билим. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
6. Алломов А. Бебаҳо маънавий мерос //Халқ таълими. – 1993., № 2-3.
7. «Алпомиш», дoston, қўлёзма, Айтувчи Қора бахши Умиров, Ёзиб олувчилар: М.Муродов, А.Эргашев.
8. Бобомуродов А. Ислom одоби ва маданияти. – Т., 1995.
9. Бобомуродов А. Комил инсонлар йўлидан. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
10. Жалилова Г. Жону жигарлик бурчлари // Оила ва жамият. – 1996. - № 14.
11. Жумабоев Й.Ж. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
12. Ибраҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
13. Имом ал Бухорий. Илму маърифат нури. Сайланма ҳадислар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
14. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
15. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси.–Т.: Ўқитувчи, 1994.
16. Муродов М. Ўзбек кадриятлари. – Т.: Чўлпон, 1995.
17. Муродов М. Олтин сандиқ очилди.–Т.:Ўқитувчи, 1994.
18. Мусурмонова О. Ҳадислар – маънавият манбаи. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
19. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
20. Назаров М., Тоҳиров О. Маънавият– ибрат. –Т.: Минҳож, 2002.

21. Нурали. Достон, қўлёзма. Айтувчи Қора бахши Умиров. Ёзиб олувчилар: М.Муродов, А.Эргашев. Қарши ДУ «фольклор» архиви.

22. Нишонова С. Маънавият собоқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1994.

23. Одобнома. - Т.: Фан, 1992.

24. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т., Маънавият, 1999.

25. Семурғ, достон, қўлёзма. Айтувчи Қора бахши Умиров. Ёзиб олувчилар: М.Муродов, А.Эргашев. Қарши ДУ «фольклор» архиви.

26. Усмонов Р. Саодатнома: Танланган асарлар. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

27. Усмонов М. Яхши ғазилат инсонга зийнат. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

28. Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. – Т.: Университет, 1998.

29. Юсупов Э. Оила – маънавият булоғи. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

30. Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. – Т.: Университет, 1996.

31. Қуръони Карим. (Таржимон Аловуддин Мансур). – Т.: Чўлпон. 2001.

32. Қора бахши Умиров. Сулув кўрсатар (достон), Қарши, «Насаф» нашриёти.

33. «Қирқ касамёд» (достон), қўлёзма, Айтувчи Қаҳҳор бахши Рахимов, ёзиб олувчи А.Эргашев, Қарши ДУ «фольклор» архиви.

34. Эргашев А. Мангу тиловат. Қарши, «Насаф», 2000.

35. Ҳаққулов И. Занжирбанд шеър қошида (Навой сабоқлари), - Т.: Юлдузча, 1989.

36. Ҳикматларга тўла бу дунё. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима.	3
Қирқ чилтондан қирқ сабоқ.	6
Яхшилик зиёси юрсин юзингда.	43
Она юртинг – олтин бешигинг	53
«Алпомиш» достонида Ватан туйғуси.	60
Фойдаланилган адабиётлар.	83

Илмий нашр

Абдиолим Эргашев,
Дилноза Жуманазарова

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ – ТАРБИЯ ҚОМУСИ

(рисола)

Мухаррир: О.Жўраев
Компьютерда терувчи: Қ.Маматқулов

«Сангзор» нашриёти, 708000
Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй.

Теришга берилди 10.05.2006 й. Босишга рухсат этилди 24.05.2006 й.
Қоғоз бичими 84 х 60 1/16. Ризография усулида, 70 гр/м².
Ҳисоб-нашриёт 3,28. Шартли босма табоқ 5,5. 013^б-буюртма.
500 нусхада. Баҳоси шартнома асосида.



Жиззах шаҳри, «SjT» босмахонаси, А.Азимов кўчаси, 81-уй.

Тел. 8 (372) 22222-34